O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 8-aprel, 2009-yil • №16 (620) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@mail.ru • www.uzhurriyat.uz

"АГРОБАНК" — ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорига биноан ОАТБ "Пахтабанк" ОАТБ "Агробанк"га айлантирилиб, пахта, дон, мевасабзавот ва бошқа агросаноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга йўналтирилган қишлоқ хўжалик ташкилотларининг ишончли молиявий ҳамкори бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

⇨ 5-бет

УЧРАШУВ

— Замон — абадий, давр — ўткинчи, дейдилар. Адабиёт ана шу икки қарама-қарши тушунча: абадийлик ва ўткинчиликни бирваракайига ўзида акс эттириши лозим бўлган уникал ҳодисадир. Бошқачароқ айтсак, давр келиб-кетаверади, асл адабиёт эса қолади. Аммо унутмаслик керакки, ҳар қандай адабиётда, ҳар қандай зўр асарда ҳам ўз даврининг нуқси акс этади.

⇨ 7-бет

«МЕНИНГ ЭНГ ЯҚИН ДЎСТЛАРИМ – БОЛАЛАР»



Мен республикамизнинг турли вилоятларида ижодий учрашувларда бўлганимда «Қани, болалар ким қандай китоб ўқиди?», — дея савол бераман. Гоҳо бирор ўқувчидан садо чиқмай, зал сукунатга чўмади. Шунда бирор ўқитувчи ўқувчисига танбеҳ берган, ўқувчи эса зўрға битта бадиий асар номини айтган бўлади.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- 2009 йилнинг 7 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида"ги қарорга имзо чекди.
- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 апрель куни Оқсаройда Малайзиянинг "Петронас" корпорацияси президенти Муҳаммад Ҳасан Марикан ва Жанубий Африка Республикасининг "Сасол" компанияси бош ижрочи директори Пэт Дэвисни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга таширифи билан қутлар экан, Ўзбекистоннинг "Петронас" ва "Сасол" компаниялари билан ҳамкорлиги ривожланиб бораётганини, қатор қўшма лойиҳалар муваффақият билан амалга оширилаётгани бунинг тасдиғи эканини таъкидлади.**
- 3 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимовни қабул қилди.
- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби Бельгия сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бельгия давлат вазири, мамлакат собиқ бош вазири ва етакчи сиёсатчилардан бири Марк Эйскенс "Жаҳон" ахборот агентлигига берган интервьюсида Президент Ислом Каримовнинг асари ниҳоятда долзарб мавзуга бағишланиб, замонамизнинг энг кескин муаммоларидан бири бўлиб турган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тўғрисидаги билимларни ҳар томонлама оширишга хизмат қилишини таъкидлади.**
- Мамлакатимизга ташриф буюрган Сингапур Республикаси парламенти Спикери Абдулла Тармуғий раҳбарлигидаги делегация 6 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова билан учрашди.
  Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар Ўзбекистон билан Сингапур ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни барча жабҳаларда, жумладан парламентаризм соҳасида ҳам ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.
- **ЮНЕСКОнинг Париждаги штаб-квартирасида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган тадбирларнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 673 йиллиги

ТАРИХИМИЗНИ АКС ЭТТИРГАН МУЗЕЙ



Дунё маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган Соҳибқирон Амир Темур асрлар давомида халқимизнинг фахрифтихори ва ғурурига айланиб келмоқда. Неча йилдирки, буюк саркарданинг номи, улуғ зафарлари жаҳон тарихида ҳам алоҳида ўрин тутади. Бобомиз ҳақида қанчадан-қанча ривоятлар тўқилмаган, асарлар ёзилмаган дейсиз.

Истиқлол шукуҳи ила Амир Темур номи абадийлаштирилгач, Соҳибқирон ҳаёти, сиёсий ва жанговар фаолияти ҳақида кўплаб илмий, тарихий ва бадиий асарлар, фильмлар яратилди. Маънавий мероси буюк қадрият сифатида улуғланмоқда. Айниқса, Юртбошимизнинг ташаббуси билан юртимизда бобомизнинг номи улуғланди, мамлакатимизда ул буюк зотнинг ҳайкаллари ўрнатилди, эзгу амаллар қаторида пойтахтимизда Амир Темур музейи очилгани темурийлар сулоласининг бой меросига бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромнинг ифодаси бўлди. Ушбу Ўрта асрлар саройлари кўринишидаги муҳташам бино саккиз ой ичида қуриб битказилиши, маҳаллий хомашёлардан фойдаланилиши ва таниқли рассомлар, усталар томонидан безатилгани ҳам маданиятимизнинг бой тарихидан далолат беради.

Бугунги кунда музейга юртдошларимиз қаторида Марказий Осиё халқлари, француз, ҳинд тадқиқотчилари, европалик олимлар ташриф буюриб, Амир Темур ва темурийлар тарихи, маънавий меросини атрофлича ўрганиб, бу ҳақда теран таҳлил-у, маълумотларга эга бўлмоқдалар.

Музейда темурийлар давридаги сақланган сопол буюмлар, мис тангалар, навкарларнинг темир совутлари, амирлик унвонига сазовор бўлган шахслар ҳақида олимлар ёзиб қолдирган асарлар нусхаси, бобомизнинг буюк давлат арбоби, моҳир саркарда, илмфан, маданият ҳомийси ва яна бир қанча инсоний хислатлар-у, фазилатлар соҳиби бўлганини тасдиқлайди. «Темур тузуклари» асари Соҳибқироннинг қудратли давлатга асос солганидан далолат берса, бобомиз томонидан барпо этилган тарихий обидалар, саройлар, бунёдкорлик ишлари темурийлар маданиятининг яратилиши ҳақида батафсил маълумот беради.

(Давоми 2-betda.)

"Темур тузуклари"

Гумбазлардан тикилгай Темур бобо кўзлари,
Оқсарою Кўксарой ул зотнинг иншосидир.
Шунчаки айтилмагай подшоларнинг сўзлари,
Подшоларнинг сўзлари — сўзларнинг подшосидир.

Сирожиддин САЙЙИД

ИСТИҚЛОЛ ТАЯНЧЛАРИ

Инсон табиати қизиқ. Кўпинча ўзига насиб этган неъматдан баҳраманд бўлаётганда нарёғини сўраб ҳам ўтирмайди. Айтишади-ку, "Узумини енг-у, боғини суриштирманг" деб. Ўрни келганда ўша узумнинг боғини, боғбонини ҳам билиб қўйиш фойдадан холи бўлмайди.

Бугунги кунда юртимиздаги, бозорларимиздаги ҳавас қиладиган тўкин-сочинликни кўрганда, бундай файз-бараканинг илдизларига назар ташласак ўринли бўлур эди. Ўзбекистон мустақилликка эришиш арафасида мамлакат туб ислоҳот йўлини танлади. Ўша йиллардаги ўзгаришларни бир сўзда ифодаламай юртимизда қандай вазият ҳукмрон бўлганини ёдга олайлик. Собиқ марказ жон талвасасига тушиб, республикаларга ўз ҳукмини ўтказишга уринарди. Тоталитар тузумнинг шафқатсиз тартиблари одамларни ҳолдан тойдирганди. Кремлнинг нияти ижтимоий-иқтисодий формацияни ўзгартирмасдан аҳволни ўнглаш эди. Бу ҳаракатга "қайта қуриш" деб ном беришди.

ТОМОРҚА ФЕНОМЕНИ

мустақиллигимиз йўлидаги улкан тарихий қадамдир

Ўзбекистонда эса узоқни кўзловчи сиёсат юритилди. Шу пайтгача давлат манфаати устуворлик қилган бўлса, эндиликда халқ манфаати, инсон фароғати олдинги маррага олиб чиқилди. Дастлабки пайтлардан раҳбарлик сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири йиллар мобайнида таранглашиб турган вазиятни юмшатиш — уй-жой қуриш, инсоннинг инсондай яшаши учун томорқа муаммосини ҳал этишга қаратилди. Шу эзгу ғоянинг чин баҳосини қадрлаш учун каталакдек ҳовлида тўрт-бешта оиланинг тиқилиб яшашини кўриш, мазкур қисматни табиий ҳол деб юрган одамларга ҳамдард бўлиш керак эди.

Яширмасдан айтайлик, биз, журналистлар бир ҳовлида яшаётган оилалар ҳақида қалам тебратганимизда уларнинг аҳиллиги, бирдамлигига урғу берардигу, муаммоларини кўрмасликка олардик.

Ҳар ким томорқасига, ҳовли жойига эга бўлсин, деган сиёсатдан таъсирланган оддий одамлар, кўпни кўрган нуронийлар кўзда ёш билан ўз Президентларини дуо қилишди. Эски қолиплар исканжасига ўрганиб қолган айрим тўралар эса янгиликка шубҳа билан қараштди. Йўғ-е, ҳосилдор ерларни уй-жойга, томорқага бериб бўладими, дея ажабланишди. Аслида ўша ер ҳақиқий соҳибига — инсонга хизмат қилиши ҳақида ўйлашга уларнинг қотиб қолган тасаввурлари йўл бермасди.

1991 йилнинг январида, ҳали мустабид тузум ойболтаси ярқираб турган кунларда Ўзбекистон Президенти бир Фармонга имзо чекди. Келинг, мана ҳужжат ҳақида сал кенгроқ сўз юритайлик.

Ўша дамларда шўро салтанатини сақлаб қолиш, қолаверса, ҳокимият кучини кўрсатиб қўйиш учун турли-туман уринишлар, ўйинлар намоён бўлиб турарди. СССР Вазирлар Маҳкамаси 22 январь оқшомида Давлат банкининг 1961 йил намунасидаги 50 ва 100 рубллик пулларини алмаштириш ҳақида қарор чиқарди. Агар ушбу қарор Москва телевидениесида кеч соат 21 да эълон қилинган бўлса, Ўзбекистон ва унга қўшни республикаларга эртаси куни, яъни 23 январда маълум қилинди. Қарорнинг моҳияти: икки кун ичида пулини алмаштирган алмаштиради, улгурмаган ўтдай куйиб қолади. Кимдир уйидан узоқда дам олаётган бўлса ёки хизмат сафарида бўлса-чи? Фарқи йўқ, куйса янаям яхши, давлат фойдасига қолади. Тавба, бу қандай бало бўлди? Ҳамманинг юз-кўзига ташвиш қўланка солди.

(Давоми 3-betda.)

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Қалбаки дориларни ким назорат қилади?

Бир сафар "Экосан" саломатлик поездида шифокорлар билан Оролбўйи аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш учун борганимизда Хоразм вилоятининг Шовот туманида қизиқ воқеага гувоҳ бўлдик.

Туман ҳокимлигида амалга ошириладиган ишларни режалаштираётганимизда бир чол келиб қолди. У киши Ҳазорасп туманидаги дори бозоридан синтомицин эмульсиясидан 10 флакон харид қилган экан. Уйга келгач, ишлатиб кўрса, дорига ўхшамайди, кейин билса оддий қатиқ экан. Биз ҳам текшириб кўрдик — ҳақиқатан ҳам қатиқ эди. Чол фалон пулга сотиб олган дориси кераксиз бўлиб чиққанидан ҳам кўра, айрим ноинсоф кимсаларнинг шу даражада ўз юртдошларини чув тушираётганидан қаттиқ хафа эди. У кишига ўзимиз олиб борган препаратлардан бердик.

Афсуски, ҳозир дори воситаларининг қалбакилаштирилиши биргина бизнинг мамлакатимизда эмас, балки бутун дунёда жиддий муаммога айланган. Тасаввур қилинг, шифокор ҳар қанча малакали бўлса-да, у тавсия этган дори қалбаки бўлса, бемор оддий хасталик туфайли ҳам жиддий азият чекиши мумкин. Яна денг, бундай пайтда ким айбдор бўлади? Албатта, барибир шифокорларни айблаймиз. Бу эса масаланинг энг оғриқли жиҳатидир.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2008 йилда эълон қилган маълумотларига кўра, дунёдаги фармацевтика компаниялари 800 минг турга яқин дори препаратларини ишлаб чиқарар экан. Лекин юз миллионлаб беморлар қабул қилаётган дориларининг 50 фоизидан кўпроғи етарли даражадаги клиник кучга эга эмас, яъни қалбаки бўлиб чиқмоқда. Мутахассисларнинг хулосаларига кўра, 2007 йилда ҳозирги пайтда дунёда бир қатор дори препаратлари — миокард инфарктида, юрак хуружига қўлланиладиганларнинг 40 фоизи, ошқозон яраси ва ичак касалликларида фойдаланиладиган дориларнинг 70 фоизи, бронхиал астмада ишлатиладиган дориларнинг 75 фоизи, қандли диабетга чалинганларни даволашда фойдаланиладиган препаратларнинг 60 фоизи, артрит, артрозлар, ревматизмда қўлланадиган дориларнинг 50 фоизи қалбаки экани аниқланган.

4 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

Ишсизлар сони ортмоқда



Шу йилнинг март ойида АҚШда ишсизлар сони 694 минг нафарга кўпайди ва жами 13,2 миллион нафарга етди. Бу мамлакат аҳолисининг 8,5 фоизини ташкил этади. АҚШ Меҳнат вазирлиги маълумотларига қараганда, инқироз туфайли кўпроқ Лотин Америкаси аҳолиси ва қора танлилар иш ўринларини йўқотмоқда. Масалан, 2007 йилдан буён лотин америкаликлар ўртасида ишсизлик 4,7 фоиздан 10,9 фоизга, қора танлилар орасида 4,5 фоиздан 13,4 фоизга ўсган. Оқ танлилар ўртасида эса бу кўрсаткич 2,9 фоиздан 7,3 фоизга кўпайган, холос.

Инқироз туфайли фақат АҚШда эмас, бутун дунёда ишсизлик ортиб бормоқда. Мисол учун, ҳозирда Россияда 2,2 миллион ишсиз рўйхатга олинган.

(Дунё сиёсатига оид хабарларнинг давоми бешинчи саҳифада)

5 »

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ТАРИХИМИЗНИ АКС ЭТТИРГАН МУЗЕЙ

(Бошланиши 1-бетда.)

— Ҳар куни музейимизга дунёнинг турфа ўлкаларидан сайёҳлар ҳамда фан, маданият ходимлари Соҳибқиронинг ҳаёти, фаолиятини, у яшаган давр руҳи, муҳитини ва авлодларга қолдирган бебаҳо ёдгорликларини кўриш орзусида ташриф буюришади, — дейди Амир Темур музейи директори Нозим Ҳабибуллаев. — Айниқса, музей кўргазмасидаги темурийлар даврида ёзилган тарихий асарлар орасида ўзига хослиги ва қимматли маълумотларга бойлиги билан Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари ажралиб туради. У буюк аждодимизнинг жаҳон цивилизацияси ва инсоният тараққиётига беқиёс улуш қўшгани билан кенг жамоатчиликни таништиришда катта ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, бу ерда буюк бобомиз ҳақида хорижда ёзилган асарлар, рассомлар томонидан чизилган рамзий суратлар нусхаси, Амир Темур ва темурийлар қурдирган мақбаралар, хонақолар, саройлар макетини кўриш учун минглаб томошабинлар қизиқиб келмоқдалар. Музей фондида уч мингдан ортиқ ашёлар сақланади. Шундан 1700 га яқин экспонат экспозициядан жой олган. Энг қувонарлиси, музей дунё аҳлининг эътиборини жалб этаётгани қалбимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Дарҳақиқат, музей фондида сақланаётган ҳар бир ёдгорликнинг тарихи билан қизиқарканмиз, кўз ўнгимизда ўтмишимиз, бугунги кунимиз ва истиқболимиз гавдаланади. Айни чоғда улар Амир Темур ҳақидаги ҳақиқатни тиклашга, Соҳибқирон шахсининг биз билган ва билмаган томонларини ўрганишга асос бўлади.

Амир Темур ўз салтанатини ташқи жиҳатдан обод қилишдан ташқари, истеъдодли ҳунарманд усталар, меъморлар, олим-у фозилларга алоҳида эътибор қаратгани тарихдан маълум. Шунинг учун ўша даврда тиббиёт, риёзиёт каби фанлар равнақ топган. Музейда Амир Темур ва Франция қироли Карл VI нинг халқлараро хайрихоҳлик, дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун юборган номаларининг нусхалари сақланаётгани нафақат ватандошларимизда, балки чет эллик сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотади. Бу эса хорижда буюк бобомизга муносабат ўша даврларда ҳам ижобий бўлганини кўрсатади. Тарихдан маълумки, улуғ ҳукмдор халқнинг турмуш маданиятини юксалтириш учун Испания, Венеция, Англия, Франция, Хитой ва Миср каби давлатларга элчи юбориб, иқтисодий ҳамда савдо муносабатларини йўлга қўйган, Шарқдаги юриши эса араб, форс, турк шоирлари ўртасидаги ижодий алоқаларининг чамбарчас боғланишига олиб келган. Музейда бобокалонимизнинг «Темур тузуклари» ёзма ёдгорлиги ҳам жой олган. Ҳар бир тарихий ашёлар қаршисида бебаҳо ўгитларидан парча қайд этилган.

Аслида қайси даврга мансуб бўлмасин, ҳар бир миллатнинг фахр-ифтихори, энг аввало, адолатли ҳукмдорларининг одиллиги фозил аллоларининг жаҳон илм-фан, маданиятига қўшган ҳиссаси билан ўлчанади. Бу борада Амир Темур амалга оширган ишлар беҳисоб. Музейдаги темуршунос олим Турғун Файзиев томонидан яратилган «Амир Темур шажараси» алоҳида эътиборга молик. Шажара бобомизнинг ўғиллари — Жаҳонгир, Умар Шайх, Мироншоҳ, Шоҳруҳ Мирзолар, қизлари — Оғабеги хоним, Султон Бахт бегим билан бошланса, набиралари Султон Али, Бобур, Бойсунғир, Султон Маҳмуд, Султон Аҳмад, Халил Султон, Улуғбек, Абдулатиф, Султон Абу Саид Мирзо билан давом этади. Бинобарин, олий ҳукмдор ўз эътиборини набираларининг таълим-тарбиясига қаратган.

Музейдаги миниатюраларда Улуғбекнинг Самарқандда, Шоҳруҳнинг Ҳиротда энг машҳур алломалар сафида самарали ижод билан машғул пайти тасвирланган. Шунингдек, Улуғбекнинг яна бир қирраси — ҳукмдорлик даврида олиб борган қурилиш ишларига алоҳида эътибор берилган. Бу ерда Самарқанднинг меъморий ёдгорлиги ҳисобланган Улуғбек мадрасаси унинг буйруғи билан 1417-1420 йилларда қурилган. Бино икки қаватли бўлиб, тўғри тўрт бурчак тархли ҳовлиси 50 та ҳужра билан ўралган. Бинонинг ички ва ташқи кўриниши парчин ва кошинлар билан безатилган. Улуғбек XVII аср Ғарбий Европа гравюрасида астроном олимлар даврасида тасвирланган. Музейда расадхонанинг макети, астрономик асбоблар, Улуғбек юлдузлар глобуси макети мавжуд.

«Буюк Соҳибқирон — буюк бунёдкор» панносининг марказий қисми. «Санойи нафиса» мусаввирлар гуруҳи томонидан 1996 йилда ишланган.

Бобомиз вафотидан сўнг унинг фан тараққиётига қўшган ҳиссасини авлодлари давом эттирди. Улардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистондаги буюк давлатчиликнинг асосчисидир. Музейдаги кўргазмаларда улуғ шоир, қомусий илм соҳиби, моҳир лашкарбоши ва йирик давлат арбоби Бобур Мирзо ҳаёти ва фаолиятига доир қизиқарли тарихий манбаларга ҳам алоҳида эътибор берилган. Дунёнинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланган Ҳиндистоннинг Агра шаҳри яқинидаги Шоҳ Жаҳон буйруғи билан XVII аср (1632-1650 йиллар)да севикли ёри Мумтоз Маҳал учун қурдирган Тож Маҳал мақбараси макети хилма-хил маданиятлар билан чамбарчас боғланиб кетган. Унинг қурилишида самарқандлик (Муҳаммад Шариф), бухоролик (уста ота Муҳаммад) усталар ҳам қатнашгани қайд этилган. Бино тўртбурчак шаклда бетакрор услубда қурилган. Унинг тўрт томони 45 метрлик миноралар билан ўралган. Мақбара деворлари садаф, зумрад, ёқут, фил суяги ва бошқа қиммат-баҳо тошлар билан безатилган.

Бундан ташқари, Амир Темур қайта бунёд этган шаҳар Шоҳруҳия — Шаҳристон харобаларидан кўргазмага намуналар тақдим этилган. Унинг тарихий ёдгорлиги ҳақида музей археологи Ўткир Алимов бир неча йил тадқиқотлар олиб борди. Тадқиқотлар натижасида ўша даврга оид сопол, шиша, мис буюмлари топилган. Кўрғон ўрнидан топилган ёдгорликлар музей экспонатини безаб турибди.

Музейдаги «Буюк ипак йўли» харитасини кўрган ҳар бир инсон Амир Темур давлатида мамлакат ҳаётининг барча соҳалари каби ташқи алоқалар масаласига ҳам алоҳида эътибор берилганининг гувоҳи бўлади. Бундай муносабатлар кўлами шарқда Хитойдан то Европа давлатларигача бўлгани, ўша даврда хорижий давлатлар ҳукмдорлари билан олиб борган ёзишмалари, яъни сақланиб қолган мактубларнинг нусхалари бунга шоҳидлик беради.

Бугун юртимизнинг барча гўшаларида Соҳибқирон бобомизнинг 673 йиллиги ўзгача шодиёна билан нишонланмоқда. Ҳамиша музей томошабинлар билан гавжум. Улар Амир Темурнинг маънавий меросини, бебаҳо ёдгорликларини кўриб, фахр-ифтихор ҳиссини туядилар.

Адиба УМИРОВА,
«Hurriyat» мухбири.

ҚЎШНИНГ ТИНЧ — СЕН ТИНЧ

Азалдан маданияти ва урф-одатлари муштарак бўлган Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар узоқ ўтмишга бориб тақалади. Айни кунда ҳам юртимизда кўплаб тожиклар, Тожикистонда эса анчагина ўзбеклар истиқомат қилишмоқда. Бу икки халқ ўртасидаги дўстона алоқаларнинг мустаҳкамланиши айниқса, дунёда турли хил «гиж-гижлаш» ва турфа хил сиёсий хуружлар авж олган кунларда жуда муҳимдир. Афсуски, бу ҳақиқатни на Тожикистон ҳукумати, на уларнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари етарли англамаётган кўринади.

ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС

ёхуд тожикистонлик айрим фуқароларнинг қонунбузарликлари хусусида

Тожикистон алюминий заводидан чиқаётган заҳарли тутунлар юртимиз боғларини чўлга, юртдошларимизни ногиронга айлантираётгани ҳақидаги гаплар аллақачон "эскириб" бўлди. Айни кунларда оммавий ахборот воситларида бу ҳақда деярли гапирилмаётган бўлса-да, завод оғу «ишлаб чиқаришда», одамларимизни заҳарлашда давом этмоқда. Тожикистон ҳукумати бундай салбий ҳолат ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олишга жиддий эътибор бермаётгани бошқа кўплаб ноқонуний хатти-ҳаракатларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, ўз фуқароларининг қўшни давлат чегараларидан ноқонуний ўтишига ва наркотик моддаларнинг олди-сотдиси билан шуғулланишига деярли қаршилик кўрсатмаётгани янада ажабланарлидир. Фикримизни исботлаш учун ҳаётий мисоллар ҳам етарли. Улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Бектемир туман суди шу масалага доир иккита «иш»ни кўриб чиқди.

Ўрол Турматов исм-шарифли Тожикистон Республикаси фуқароси 2008 йил апрель ойининг бошларида осонлик билан пул топиш йўлларини излай бошлайди. Шундай кунларнинг бирида у Хўжанд шаҳридаги «Пайшанба» деҳқон бозорида Қаҳҳор исмли танишини учратиб қолади. Ў.Турматов танишига иқтисодий томондан қийналаётганини, Ўзбекистонда бир нечта танишлари борлигини, уларникига бориб, дурустроқ иш қидиришини айтади. Қаҳҳорга бу гаплар маъқул тушади ва унга гиёҳванд моддаларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириб сотса, яхшигина пул топишини маслаҳат беради. Ўрол ҳам бу таклифга рози бўлади. Дастлабки келишувга биноан Қаҳҳор унга 800 АҚШ долларига 500 грамм опий гиёҳвандлик моддасини топиб бериши мумкинлиги, ушбу оғуни Ўзбекистонда 1400-1500 долларга ўтказишнинг иложи борлигини шипшитади. Аммо Ўролда бунча пул йўқ эди. Шунинг учун у «товар»ни 800 долларга эмас, 1200 долларга насияга оладиган, пулини эса гиёҳванд модда сотиб бўлингач, тўлайдиган бўлади.

Шундан сўнг, жиноятчилар ўтган йилнинг 8 апрель куни Хўжанд шаҳридаги «Пайшанба» деҳқон бозори атрофида яна учрашишади. Қаҳҳор унга 500 грамм «опий» гиёҳвандлик моддасини беради ва бир ҳафтадан сўнг худди шу ерда учрашишга келишиб олишади. Оғуни қўлга киритган Ў.Турматов уни тезроқ пулга айлантиришдек жирканч ниятда Тошкентга йўл олади. Унча-мунча маблағли бўлиб қолишни орзу қилган «хаёлпараст» Сўғд вилоятининг Мастғоҳ туманидан Тошкент вилоятининг Бекобод туманига чегарадош ҳудуддаги «Ойбек» чегара маскани ёнидаги шартли равишда «3-участка» дейиладиган қишлоққа етиб келади. Сўнгра Ўзбекистон Республикасида бўлиш ҳуқуқини берувчи визаси бўлмагани туфайли мазкур чегара масканини четлаб, айланма йўллар орқали Тошкент вилоятининг Бекобод туманига ўтиб олади ва йўловчи машинада Тошкентга етиб келади.

Шахсий манфаати олдида ўзгалар соғлиғини ҳам оёқости қилишдан тап тортмайдиган Ўрол «Қўйлиқ» бозори атрофида «товари»ни ҳеч бўлмаганда 1400 АҚШ долларига сотиб оладиган харидор қидира бошлайди. Аммо унга бу оғуни пуллаш насиб этмади. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Тошкент шаҳар бошқармаси ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси тезкор ходимларининг ҳамкорликдаги тадбирлари натижасида республикамизга Тожикистондан олиб ўтилган 500 грамм «опий» гиёҳвандлик моддасини пулламоқчи бўлган «меҳмон» бозор майдони атрофида ушланиб, ундан ушбу гиёҳвандлик моддаси ашёвий далил сифатида холис гувоҳлар иштирокида ҳужжатлаштириб олинди. Жиноятчи эса суд ҳукми билан 13 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Тожикистоннинг яна бир фуқароси Темурхон Саидов ўтган йилнинг 6 октябрида уйидан чиқиб, автобусда Сўғд вилоятининг Зафаробод шаҳригача, у ердан эса Ўзбекистон Республикаси Сирдарё вилоятининг «Ховос» чегара маскани яқинигача келади. Ўзида Ўзбекистон Республикасига кириш учун тегишли визаси бўлмагани ҳамда Тожикистон Республикаси томонидан берилган фуқаролик паспортини «уйида қолдириб» келганини билгач, чақирилмаган «меҳмон» мазкур чегара маскани атрофидаги айланма йўллар орқали Ховос тумани ҳудудига пиёда ўтади. У ердан Тошкентга қатнайдиган йўловчи автобусга ўтириб, пойтахтимизга етиб келади. Унинг Тошкентга келишдан мақсади гўёки ўз юртидаги врачлар эплай олмаган ишни, яъни қулоғини юртимиздаги юқори малакали шифокорларга даволатмоқчи бўлган эмиш. Аммо паспортини унутиб қолдиргани камлик қилгандай, учрашиши лозим бўлган шифокорнинг исми, шарифи ва манзили қайд этилган «қоғозча» ҳам уйида қолиб кетган эмиш. Нима қилишини ҳам, қаерга боришини ҳам билмай қолган Темурхон еттинчи октябрга ўтар кечаси «Қўйлиқ» деҳқон бозорида расталарга яширинганча тунаб қолади. Тонг отгач, енгилгина овқатланиб, соат ўн иккиларда Тожикистонга қайтиш мақсадида Бекобод шаҳрига кетаётганида у Бектемир туманида жойлашган «Бектемир» назорат-пости масканида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан тўхтатилиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари сўралади. У ўзини Саидов Олимжон деб таништириб, паспорти уйда қолиб кетганини билдиради. Уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари Бектемир тумани ички ишлар бўлими хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлинмаси идорасига олиб келишади ва шахси аниқланади.

Унинг ёлғон маълумот бергани, қўшни давлат фуқароси эканлиги, Олимжон Саидов ҳам эмаслиги, аслида чегараларимизни ноқонуний бузиб ўтиб Ўзбекистонга келгани маълум бўлади.

Суд мажлисида судланувчи айбига тўлиқ иқрор бўлиб, Ўзбекистон қонунларига амал қилмагани, ўз юртида эса унга малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг иложи бўлмагач, Тошкентга келганини тан олди.

Мамлакатимизда инсонпарварлик ва демократик принциплар асосида инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган оқилона сиёсат тамойилларидан келиб чиқиб, Т.Саидовга жарима солинди ва ўз юртига жўнатиб юборилди.

Алибек ҲОСИЛОВ
Region.uz

ПОЛИЭТИЛЕН БУЮМЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Қарши шаҳрида бир неча йилдан буён якка тадбиркор сифатида фаолият юритиб келаётган Хуршид Раупов яқинда хориждан полиэтилендан турли идишлар, қувурлар ясайдиган махсус линияни олиб келиб ўрнатди. Ҳозирги кунда мазкур замонавий қурилма орқали 16 мм.дан 450 мм.гача бўлган диаметрли пластмасса қувурлар, сиғими 10 литрдан 80 литргача бўлган турли идишлар ишлаб чиқарилмоқда. Яқинда тадбиркор томчилатиб суғоришда ишлатиладиган қувурлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйди. Энг муҳими, ушбу маҳсулотлар маҳаллий хомашёдан тайёрланаётгани қувонарли.

Пўлат ГАДОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

МАҲСУЛОТЛАР — ХОРИЖГА

Хоразм вилоятидаги "Ҳазорасп-текстил" масъулияти чекланган жамияти корхонани модернизациялаш дастурига мувофиқ янгидан 800 минг АҚШ доллари эвазига замонавий дастгоҳлар сотиб олишни режалаштирмоқда. Бултур қарийб 2000 тонна юқори сифатли ип-калава ишлаб чиқаришга муваффақ бўлган жамоа маҳсулотнинг учдан бир қисмини хорижга экспорт қилганди. Корхона модернизация қилингач, бу кўрсаткичнинг икки баробар ортиши кўзда тутилаяпти.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖ ТОПСИН

Бухоро вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда вилоят ҳокимлигида тадбиркорлар, тижорат банклари, солиқ идораларининг раҳбарлари, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар бошлиқлари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда тадбиркорларнинг олис қишлоқларга ҳам саноат олиб киришаётгани, касаначиликни ривожлантириш эвазига ишсизлар сонининг қисқаришига эришилаётгани юқори баҳоланди.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЭНГ ЯХШИ ҲАМКОРЛАР АНИҚЛАНДИ

Маълумки, Westren Union компанияси дунёда нақд пул ўтказишлар тизимининг етакчиларидан бири ҳисобланади. Компаниянинг 200 дан ортиқ мамлакатда 375 мингдан зиёд хизмат кўрсатиш пунктлари бор. Westren Union юртимизда 2004 йилдан буён расмий фаолият юритиб келади ва ҳозирги кунда 1100 дан ортиқ хизмат кўрсатиш пунктларига эга. Мамлакатимиздаги 23 та банк мазкур тизимнинг ҳамкорлари ҳисобланади. Компания яқинда республикамизда фаолият юритаётган Top Country Teams (мамлакатнинг энг яхши жамоалари) дастурида 2008 йилдаги ютуқлари учун ғолибликни қўлга киритган энг яхши банклар номини эълон қилди.

Унга кўра, 5 та номинация бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Наманган бўлими, Капитал банкнинг Термиз шаҳар бўлими, Алп Жамол банкнинг Чирчиқ шаҳар бўлими, Асака банкнинг Асака шаҳридаги бўлими, Ипотека банкнинг Бухоро шаҳридаги бўлими ғолиб деб топилди. Ғолиблар Westren Unionнинг сертификатлари билан тақдирландилар.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ИССИҚХОНА ҚУРИЛДИ

Сариосиё туманида замонавий иссиқхона бунёд этилди. "Саховат" Ўзбекистон—Россия қўшма корхонаси томонидан қуриб фойдаланишга топширилган ушбу иссиқхонанинг фойдаланиш майдони ҳозирча 0,25 гектардан иборат. Франциянинг "Клауз" компанияси билан ҳамкорлик қилаётган корхона тадбиркорлари келгусида эртапишар полиз ва сабзавот етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда шарбат тайёрлаш цехининг имкониятларини янада кенгайтиришни режалаштирган.

Даврон ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбири.

161 КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Тадбирда жами 56 та корхона ва ташкилот 172 бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмарка якунида 161 нафар фуқаро янги иш ўринлари билан таъминланди. Шуниси муҳимки, уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшлардир.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

АВВАЛИ

ТАРИХИ ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ

Султон Темур анга мисли у шоҳ набуд,
Дар ҳафтсаду сию шаш омад бужур.
Дар ҳафтсаду ҳафтоду як кард хуруж,
Дар ҳаштсаду ҳафт кард олам падруд.

*яъни ети юз ўтуз олти ҳижрийда Шаҳрисабзга қараган Тарағай (Хўжа Илғор — **таҳририят**) деган қишлоқда туғилгандур, ети юз етмиш бирда хуруж қилгандур (тахтга ўтиргандур). Саккиз юз етида Ўтрорда вафот топгандур. Неча тарихларнинг ҳамаси бирбирига мувофиқдур.*

"Туркистон вилоятининг газити" 20 апрел 1895 йил.

Нашрга тайёрловчи: Аъзам УМАР

ТАДБИР

АДЛИЯ ВА МАТБУОТ ҲАМКОРЛИГИ

фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишга хизмат қилади

Адлия вазирлиги томонидан "Суд қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ОАВда сифатли ёритиш усуллари" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда вазирликнинг масъул ходимлари, ушбу тизимга кирувчи Суд департаментининг республика бўлими ва ҳудудий бошқармалари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда Суд департаменти идоралари томонидан 2008 йил давомида ҳамда жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотлар берилди. Таъкидландики, ўтган йилда суд ижрочилари иш юритувида ундириш тўғрисидаги 1 миллион 709 мингта ижро ҳужжатлари мавжуд бўлиб, олиб борилган ижро ҳаракатлари натижасида 2 триллион 750 миллиард сўмлик ижро ҳужжатларининг ижроси таъминланди. Шу билан бирга 2007 йил давомида давлат фойдасига 537 миллиард сўм ундирилган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 1 триллион 3 миллиард сўмга яқин, (бу 2007 йилга нисбатан қарийб 2 баравар кўп) пул маблағлари ундирилди.

Шунингдек, ўтган йилнинг ўзида Суд департаменти томонидан қонунчилик тарғиботига оид жами 2911 та тадбир ўтказилди. Мазкур соҳа ходимларининг ОАВда чиқиши эса 487 тани ташкил этди. Анжуманда ўтган вақт ичида бу борада анча салмоқли ишлар бажарилганига қарамасдан, айрим муаммолар борлиги га ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ОАВ вакиллари билан ишлаш бўйича аниқ тизим ишлаб чиқилмагани, бунинг оқибатида эса чоп этилаётган материаллар сифати ва мазмуни талаб даражасида эмаслиги танқид остига олинди.

Ушбу ҳолатларни бартараф этиш, Суд департаменти фаолияти ва суд қарорлари ижроси юзасидан сифатли материаллар тайёрлаш юзасидан мутахассисларнинг тавсия ва кўрсатмалари берилди.

Ўз мухбиримиз.

ТААССУФ

"Синиб қолдингми?!."

Шаҳар кўчаларида юрсангиз, ҳар қадамда афишаларга кўзингиз тушади. Реклама ва эълонлардаги грамматик ва стилистик хатоларни кўрган кишининг дили хира тортиши шубҳасиз. Мана, кўпчилигимиз йўл-йўлакай ўқиб ўтган рекламалардан бири: "Sinib qoldingmi? Snikersla to`xtatma!" Ҳайрон қоласан киши. Муҳтарам "рекламачи"миз бу билан нима демоқчи бўлганини ўзи тушунганмикин-а?



Реклама тилимизга мос бўлиши, одамларнинг энсасини қотирадиган даражада бўлмаслиги керак. Қолаверса, айнан ана шу реклама матни матбуот орқали бир неча йилдан буён такрор-такрор танқид қилиниши, ўзбек тилшунослиги қоидаларига умуман тўғри келмаслиги ҳақидаги мулоҳазалар эълон қилингани ҳеч кимга сир эмас. Бундай фикрларни билдирган куюнчак фуқароларимизнинг мақсади биринчи навбатда танқид эмас, балки реклама роликларимиздаги нуқсонларни бартараф этиш, бу орқали эса тилимизга бўлган ҳурмат тушунчасини эслатиб ўтиш, албатта.

Аммо энг ҳайратланарлиси, шунча салбий муносабатлардан кейин ҳам ушбу реклама деярли барча телеканаллар орқали муттасил эфирга узатилмоқда. Демак, соҳа мутахассислари "айтаверишади-да" қабилида йўл тутишаяпти.

Яқинда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Тошкент шаҳар ахборот таҳлил маркази ва Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ҳамкорлигида "Пойтахтимиздаги реклама ва эълонлар матнларидаги хатолар ечимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Кескин баҳс-мунозараларга бой бўлган давра суҳбати давомида университет талабалари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Бўлғуси журналистлар рекламалардаги ўзбек тили имло қоидаларига зид ҳолатлар ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларини билдириб ўтишди. Фаол талабалардан бири Акмал Жумамуродов бу ҳақда шундай дейди: "Пойтахтимизга турли хорижий давлатлардан меҳмонлар келишади. Юртимиз гўзалликларидан бахраманд бўлишади ва ўз-ўзидан йўлларнинг четида осиғлиқ турган афишаларга ҳам беэътибор бўлишмайди, албатта. Аммо матнлардаги хатоликлар кўпчиликда салбий кайфият уйғотиши табиий".

Ҳа, кўчалардаги реклама ва эълонлар қайсидир маънода халқимиз маънавиятини кўрсатувчи белгилардан бири ҳисобланади. Минг узр, лекин саводсизларча тайёрланаётган рекламаларни халққа тақдим этишдан олдин унинг оқибатлари ўйлаб кўрилса, фойдадан холи бўлмас эди.

Чарос САИДОВА,
ЎзМУ талабаси.

ЖАРАЁН

АДЛИЯ ИДОРАЛАРИДА

Янги дастур ишни енгиллаштиради

Инсон туғилади, оила қуради, фарзанд кўради, баъзида оила бузилиши сабабли ажрашади, вафот этади. Бу каби барча ҳаётий жараёнлар Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларида қайд этиб борилади.

Ташкилотлар ва фуқароларнинг сўровномаларига оид маълумотларни ўз вақтида қидириб топиш, туғилганлик, никоҳдан ўтганлик, никоҳни бекор қилиш, ўлим ҳолатларини ўз вақтида қайд этиб бориш, почта орқали келган сўровномаларга жавоб қайтариш, такрорий гувоҳномалар, далолатнома ёзувларидан нусхалар бериш, фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда тузатиш ва қўшимчалар киритиш кабилар ҳам мазкур бўлимларда фаолият кўрсатаётганларнинг ҳар куни бажарадиган ишларининг тўлиқ рўйхати эмас.

Айниқса, иш жараёнида фуқаро тўғрисидаги маълумотларни қидириш учун жуда кўп вақт сарфланади. Аксарият ҳолларда бирор фуқаро ҳақида у ёки бу маълумот сўралган сўровномаларда аниқ маълумотлар берилмайди. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, далолатнома ёзувлари тикилган битта китобни кўриб чиқиш учун (ўртача 250 варақ) 1,5-2 соат вақт кетади. Ундан ташқари ФҲДЁ бўлимлари ҳар ой ва чоракда қилинган ишлар ҳақида вилоят адлия бошқармасига ҳисобот топширади. Юқоридаги барча ҳолатлар мазкур бўлимларда иш ҳажмининг катталиги инобатга олинган ҳолда, уларнинг ишини ихчамлаштириш ва иш самарадорлигини ошириш учун автоматлаштириш бугун бирламчи вазифа ҳисобланади. Ушбу усул вақтни тежаш, ходимнинг ўз вазифасини тез ва пухта бажариш, самарадорлигини ошириш, шунингдек, далолатнома ёзувларининг яроқсиз ҳолга келишининг олдини олишга бевосита хизмат қилади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси раҳбариятининг ташаббуси билан мавжуд ФҲДЁ бўлимларида электрон базани яратиш ва бўлимлар фаолиятини ихчамлаштириш мақсадида жорий қилинган дастурни қўллашда унга босқичма-босқич ўтиш йўли танланди. Жумладан, биринчи навбатда ходимларнинг компьютерда ишлашнинг умумий асосларини билиши юзасидан саволномалар тузилиб, уларнинг бу борадаги билимлари юзасидан фикрлари ўрганилди. Ходимларнинг график асосида компьютерда ишлашни ўрганиши юзасидан жойларда ўқув машғулотлари ташкил этилиб, компьютерда ишлашни ўзлаштирганлик даражасини текшириш юзасидан тест синовлари ўтказилди ва уларнинг компьютерда ишлай олиш даражаси аниқланди. 2007 йил апрель ойидан бошлаб барча ФҲДЁ бўлимларида мавжуд маълумотларни электрон базага киритиш юзасидан дастур ўрнатилди ва тегишли маълумотлар киритила бошланди.

Дастур қўлланилганда компьютерда ўртача ишлайдиган ходим битта далолатнома тўлдириш учун 5-8 дақиқа вақт сарфлайди. Иш ҳажми катта бўлмаган ФҲДЁ бўлимида бир кунда ўртача 10-15 та туғилиш қайд қилинадиган бўлса, 2-2,5 соат вақт тежалади. Худди шу йўсинда никоҳ далолатномаси ёзувлари тўлдирилгани билан никоҳ тузилгани ҳақида рус ва ўзбек тилидаги маълумотномалар, ўлим далолатномаси тўлдирилгач, ўлим ҳақидаги маълумотнома автоматик тарзда шаклланади.

Мазкур тизимдаги ходимлар ўз фаолиятини самарали олиб бориши ва малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатишлари учун қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланишлари зарур. Ана шулар ҳисобга олинган ҳолда, дастурда ФҲДЁ фаолияти билан боғлиқ барча меъёрий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган барча Кодекслар фойдаланиш учун қулай тартибда жойлаштирилган. Бундан ташқари кундалик ишда фойдаланиш учун "Йўриқнома"да мавжуд маълумотнома ва аризаларнинг иловаларини чоп қилиш имконияти ҳам мавжуд. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларининг ишлари ҳар чорақда вилоят ФҲДЁ архивидаги компьютерларга кўчирилади.

Шу билан бирга вилоят ФҲДЁ архивига алоҳида дастур ўрнатилди. Унга мувофиқ архивдаги барча далолатнома ёзувлари рақамли фотоаппарат орқали компьютерга ўтказилади ҳамда далолатномадаги фуқаро ҳақидаги асосий маълумотлар киритилади. Натижада алфавит шаклланади ва қидирув осонлашади.

Ҳозир Самарқанд вилояти ФҲДЁ бўлимлари томонидан 2006-2008 йилдаги қайд қилинган барча далолатномалар компьютерларга киритилди. Бу табиийки, мурожаат қилувчиларнинг қимматли вақтлари тежалишига имкон беради.

Нодира МИРМУҲАМЕДОВА,
Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг ФҲДЁ, нотариат ва адвокатура бўлими етакчи маслаҳатчиси.

ТОМОРҚА ФЕНОМЕНИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Ўша куниёқ Ўзбекистон Президентининг ўз халқи ғамини еб, унинг зарар кўришидан хавотир олиб имзолаган Фармони эълон қилинди. Ушбу ҳужжат СССР Вазирлар Маҳкамаси қарорининг амал қилиш муддатини узайтириш масалалари юзасидан деб аталганди. Унда баён қилинишича, минтақа ва республикадаги пул муомаласининг ўзига хос жиҳатларини назарда тутиб, 50 ва 100 рубллик пулларни алмаштириш давлат ташкилотлари учун 24 февраль соат 13⁰⁰ гача, фуқаролар учун 1 февралга қадар узайтирилди. Тасаввур қиласизми, бу билан Москва ҳужжати амалда бекор қилинди. Одамларнинг хурсанд бўлгани — фуқароларга давлатдан кўра кенг имконият — 7,5 кун кўп яратилди. Мазкур Фармон ёнида унинг шарҳи ҳам бор эди. Фақат Ўзбекистон аҳлининг манфаатини кафолатли ҳимоя қилган мазкур шарҳда ёзилишича, юртимизга хос бўлган хусусиятлар, миллий анъаналар, республикадаги турмуш тарзи туфайли аҳолининг кўпчилиги, айниқса, қишлоқ жойларидаги аҳоли тўйлар, маъракалар каби турли тадбирлар ва маросимларни ўтказиш, уй қуриш, томорқа участкаларига сарфлаш учун узоқ вақт мобайнида таом ва кийим-кечакдан тежаб пул жамғарганлар, улар одатда жамғарма кассалари хизматидан фойдаланишга кўникмаганлар. Бундан ташқари, 1990 йилда якка тартибда уй-жой қуриш учун аҳолига 700 миллион рублдан кўпроқ қарз берилган. Шарҳда яна бундай дейилади: пулни шу қадар қисқа муддатларда (Москва белгилаган муддат назарда тутилаяпти — Ш.Ж.) алмаштириш чоғида қийинчиликларга сўзсиз дуч келишлари эътиборга олинди.

Эртаси куни Москва телевидениесининг "ТСН" ахборот кўрсатуви Ўзбекистон ўзи учун алоҳида қонун чиқарди, деган маънода чиқиш қилди. "Каттакон" ҳукумат раҳбарлари эътироз билдиришга ботина олишолмади, шекилли. Шундай қилиб, халқимиз ўз Президенти ғамхўрлигида собиқ иттифоқ "эксперимент"идан талафот кўрмай чиқди. Энг муҳими, охирги бир ярим йилдан буён давом этаётган томорқа эгаларини ижтимоий ҳимоялашга доир тадбирлар зое кетиш хавфига барҳам берилди. Аслида томорқа фақат алоҳида оила манфаатинигина эмас, балки бутун мамлакат истиқболини таъминловчи омил эди.

Четдан қараганда, бир хонадонда пайдо бўлган янги оила алоҳида томорқага эга бўлиши жамият учун жуда катта воқеа эмасдек туюлиши мумкин. Лекин бу масаланинг кўзга ташланмайдиган муҳим ҳаётий қирралари жуда кўп. Энг аввало, аҳоли орасидаги таранг вазият барҳам топади, инсоннинг киндик қони тўкилган заминга меҳри янада ортади. Оилада ўсаётган фарзандлар баркамоллиги таъминланади. Қуйидаги рақамларга эътибор қилинг: совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисига ҳаммаси бўлиб 300 минг гектарга яқин ер томорқа сифатида берилган бўлса, мустақилликнинг дастлабки йилларида қарийб 2,5 миллион оилага жами 400 минг гектар суғориладиган ер қўшимча томорқа сифатида ажратилган. Бу инқилобий ютуқни улкан тарихий қадам деб баҳолаш ўринлидир.

Инқилоб деган сўз аслида эврилиш, тўнтариш каби маъноларни англатади. Лекин томорқа муаммосининг оқилона ечими одамлар онгида туб ўзгариш ясагани учун инқилобга муқояса қилсак-да фикримизга қўшиларсиз.

Тоғнинг салобати масофа узоқлашганда яққолроқ намоён бўлганидек, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Юртбошимиз бевосита бош бўлган томорқа ислоҳоти бугунги кунда ажойиб самаралари, халқимизнинг бардам кайфияти билан муносиб баҳосини олмоқда. Кўнглимиздан шундай муқояса ўтади: томорқа соҳасидаги эврилишни мамлакатимизда дон мустақиллигига эришганимиз даражасида баҳолаш мумкинмикан?! Балки бу ютуқларимизни бир-биридан ажратмасак тўғри бўлар? Зотан, ўзбекнинг ўз нонини етиштирган деҳқон Президенти туҳфа этган томорқа шарофати билан юртга меҳри, эртанги кунга ишончи ошиб, шундай чўққиларни забт этгандир.

Зар қадрини заргар билади, дейдилар. Томорқанинг мамлакатимиз ҳаётида, халқимиз тақдирида қандай ўрин тутишини ўз умрини она заминга бағишлаган юртдошларимиз дилдан ҳис этишади. "Сиз юртимизда томорқа ислоҳотини қандай қабул қилгандингиз, умуман, ўша йилларда қандай хотира қолган?" деган саволларимизга суҳбатдошларимиз турлича жавоб қилишди. Сиз ҳам танишингчи.

— Томорқа — мустабид тузумдан эзилган халқнинг қалбига, юрагидаги жароҳатига малҳам бўлди. Баъзилар бу сиёсат узоққа бормайди, дея башорат қилмоқчи ҳам бўлишди.

— Қишлоқ одамларининг қадди кўтариб қўйилди. Қишлоқ файзу барака, тўкин дастурхон рамзига айланди.

— Агар бу муаммо ўз вақтида ҳал қилинмаганида ҳаётимиз қандай кечишини тасаввур этишнинг ўзи оғир эди.

— Қишлоқда ҳар бир оила ўз томорқасига эга бўлиши — мустақилликнинг мўъжаз кўриниши, инсон тақдиридаги ифодаси.

— Томорқада маҳсулот етиштирсак, уни сотиб даромад олсак, шу ишлар учун меҳнат дафтарчаси берилса — қаерда бор шундай ҳаёт?!

— Эски даврда томорқага ер олиш учун ё зарингиз, ё зўрингиз керак бўларди. Президентга раҳмат, салбий ҳолатларнинг томирига болта урилди.

— Ҳозир касаначилик эл-юртга наф келтираяпти. Бу соҳа ҳам томорқа базасида ривож топди.

2009 йилда бутун эл-юртнинг эътибори қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига йўналтирилмоқда. Президентимиз имзолаган Давлат дастурига кўра, жорий йилда қишлоқ жойларда умумий майдони 7100 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади. 2008-2015 йиллар мобайнида намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилади. Қишлоқ аҳолиси ҳаёт фаровонлигини яхшилаш учун жорий йилда қарийб 88 миллиард сўм ипотека кредити ва аҳоли маблағлари сарфланади. Демак, Президентимиз раҳнамолигида томорқа янада мўлкўл ноз-неъмат манбаига айланади.

...Бизда она ер билан боғлиқ байрам ва удумларимиз кўп. Наврўз байрами, ҳосил байрами, дон ва пахта карвонлари тантана қилинади. Шулар қаторида томорқага бағишланган тадбирлар ҳақида ҳам ўйлаб кўрсак, чакки бўлмасди. Томорқа — халқимизнинг ризқ-рўзи битадиган маскан, унга тақдиримиз, ҳаётимиз чамбарчас боғланган. Томорқадан оёғи узилмаган инсон эса фақат эзгулик, савоб ишлар ҳақида ўйлайди. Томорқа гуллаб-яшнаса, бутун мамлакат обод бўлади.

Шухрат ЖАББОРОВ

Тахририятга хатлар

ЎЗБЕК ОЛИМИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Бир дунё орзу-умид билан оила қурган келин-куёв хонадонида 14 йил ўтиб чақалоқ йиғиси янгради. Унга ҳаётда бахтли бўлсин деган эзгу ният билан Бахтиёр деб исм қўйдилар. Бахтиёр Менглиев мактабни олтин медаль билан битиргач, Термиз давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирди. Кейин тилшунослик фанига бўлган қизиқиши туфайли дастлаб номзодлик, сўнг докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Маълумки, мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослиги том маънода шаклланди. Тилимизнинг ўзига хос ички қурилишини бошқа тиллар қолипларига солмасдан ўрганиш филологиянинг устувор вазифаси сифатида қайд этилиб, тилшуносликда субстанциал йўналиш вужудга келди. Натижада ўзбек тили ҳодисаларини тизимли асосда ўрганиш, тадқиқотлар методологиясини замонавийлаштиришга эришилди. Ўн йилча олдин тилшунослигимизда тор йўналиш бугун янгилик сифатида жаҳон тилшунослигида ҳам эътироф этилди. Бунда олим Бахтиёр Менглиевнинг ҳам хизматлари катта. Яқинда у Греция пойтахти Афина шаҳрида жойлашган Халқаро антик дунё академияси аъзолигига қабул қилиниб, академик даражасини олди. Юртдошимизнинг эришган бу муваффақияти билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Содиқ НОРБОЕВ,
Сурхондарё вилояти.

САНЪАТ ШАЙДОСИ

Чироқчи туманининг Оқтунли қишлоғида истиқомат қилувчи Абдусодиқ Абдуҳолиқов маърифат ва тарихимизга ихлоси баланд инсон. У кишн узоқ йиллардан буён туман маиший хизмат кўрсатиш идорасида ишлаши билан бирга, яхшигина суратқаш, дурадгор сифатида ҳам ном чиқарган. Бундан ташқари, дутор ва рубобда ёқимли куйлар ижро этади. У кишининг яна бир хислати борки, бунга алоҳида тўхталиш лозим. Абдусодиқ ака тарихий санъат асарларига жуда қизиқади. Яқинда халқимизнинг тарихий санъат асарлари ва ўтмишда фойдаланган меҳнат қуролларидан намуналар тўплаб, уй-музейини ташкил этди. У ерда 300 дан ошиқ сополдан ясалган рўзғор идишлари, эски чироқлар, мисдан тайёрланган баркашлар, самоварлар, от-арава жиҳозлари, ёғоч чўмич ва косалар, гиламлар, суратлар, келинлар либосларидан намуналар ўрин олган. Уларнинг аксарияти XVII-XVIII асрларда ясалган бўлиб, тарихий қиммати беназир буюмлардир.

Бегмат БОБАРАҲМАТОВ,
Қашқадарё вилояти.

МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Ватан туйғуси доимо кишиларни чуқур мушоҳада қилишга чорлаб келган. Аввало шуни билиш зарурки бу туйғуни "Ватан туйғуси..., Ватан мадҳи..." деб қайтаравериш билан болалар қалбига сингдириб бўлмайди. Воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини англаб етиш ҳамда уни ўқувчиларнинг ёши, савияларига мос тарзда тушунтира олиш оила ва мактабдаги одоб-ахлоқ, чуқур инсонийлик ҳисси билан бойитилган таълим-тарбия мезонларига боғлиқ. Юртимизнинг эртаси ва халқимизнинг равнақини ўйласак, фарзандлар тарбиясига ҳеч ким, айниқса, ҳар бир ота-она, педагог енгил-елпи иш деб қарамаслиги лозим.

Турсунали ЮСУПОВ,
Фарғона вилояти.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ МАРКАЗИ

Болалигимизда "Тоштурма" ёки "КПЗ" деган атамаларни катта ёшлилардан кўп эштардик. Энди англасам, Одина масжидини ёмонотлиқ қилиш учун атай шундай "нағма"лар ўйлаб топилган экан. Одамлар онгида нафрат туйғусини шакллантириш учун бу жой мислсиз қийноқлар маконига айлантирилган экан. Бунинг асорати ҳозиргача сезилади. Айрим одамларга "Одина масжиди атрофида" десангиз тушунмайди, аммо "Эски тоштурма" десангиз, "Олдинроқ шундоқ демайсанми?" дейди.

Амир Темур бобомиз қурдирган ва асрлар давомида ўз салобатини йўқотмаган бу иморатни шўролар даврида нене балоларга гирифтор қилишмади, дейсиз. Ҳозир эса бу ерга келган киши воҳа тарихига оид кўплаб ноёб экспонатларни кўриши, завқ олиши мумкин. Зеро, Одина масжидида "Ўзликни англаш маркази" ташкил этилганидан мақсад ҳам шу. Бугун бу қадамжо мустақиллик туфайли ўз қаддини тиклади, мангу маърифат масканига айланди.

Баҳодир МУСАЕВ,
Қарши шаҳри.

ҚИЛМИШ

Тавбасига таянмаган кимса

Айримлар 2-3 маротаба судланиб, тўрт девор орасида "ўтириб" келса-да, зарур хулоса чиқариш ўрнига қайта-қайта жиноятга қўл ураверишади. Шухрат Маҳкамов ана шундайлар тоифасига киради. У қонуний никоҳида бўлмаган хотини Дилдорнинг уйидан қайтаётганида қайин укасининг дўсти Жасурга кўзи тушди. Хаёлидан дарҳол ғаразли ният ўтди.

— Жасуржон, велосипедингни бериб тур. Алишерни излаб топай. Тезда олиб келиб бераман. Йўқ демагин.

— Мен ўзим топиб келаман, — деди Жасур ва велосипедини ҳайдаб кетди. Бироздан сўнг ҳафсаласи пир бўлиб қайтди.

— Яхшиси, велосипедингни бериб тур. Ўзим излаб келай, — дея Шухрат уни авраб велосипедини минди-да, кўздан йўқолди ва велосипедни сотиш мақсадида Фарҳод бозори олдига борганида кўзи 35 ёшлардаги кишига тушди. Шухрат дарҳол унинг ёнига бориб, танишди. Исми Виталий экан. Унга велосипед сотмоқчи эканини айтади. Виталий велосипедни кўриб, "Хитойда ишлаб чиқарилган экан, 20-30 минг сўмга сотиб оламан" деди. Шухратга пул керак бўлгани учун 30 минг сўмга сотишга рози бўлди. Савдо пишгач, Виталий унга 20.000 сўм бериб, қолган 10.000 сўмини эртага олишини таъкидлади. Велосипеднинг "эгаси" бунга рози бўлиб, пулларни олгач, ўз эҳтиёжига ишлатиб юборди.

Эртаси куни таниши Дониёрни кўриб қолди. У "Тико" машинасида эди. Шухрат ундан хотинининг уйига олиб бориб қўйишини сўради. "Вақтим йўқ", — деди Дониёр. Кейин у автобусга ўтириб Беруний метроси бекатига келди ва у ерда қамоқхонада жазони бирга ўтаган таниши Усмонни учратиб, иккаласи бекатда гаплашиб турганида Дониёр машинасида келиб қолди. Шухрат унга:

— Мирзо Улуғбек туманига олиб бор, 10000 сўм бераман, — деди. Дониёр рози бўлди. Икковлон машинага чиқишди.

Йўл-йўлакай Дониёр "сув олиб чиқаман" дея машинадан тушиб кетади. Шунда Шухратнинг нияти бузилиб, дарҳол машинанинг рулига ўтиради ва "Тико"ни олиб қочади. Ўғрилар чорраҳада светофорнинг қизил чироғида тўхтамасдан ўтиб кетишади. Йўл чеккасида турган ЙҲХБ ходимлари эса машинани тўхтатишни талаб қиладилар. Шухрат эса уларнинг айтганини қилиш ўрнига автомобилни катта тезлик билан бошқариб қочишга ҳаракат қилади. Кейинги чорраҳада қочоқларни ЙҲХБ ходимлари мажбуран тўхтатиб, туман ИИБга олиб кетишди. Шухрат олдин ҳам икки марта судланиб бундан тўғри хулоса чиқармаганди. Энди эса яна жиноятга қўл урди.

Суд Шухрат Маҳкамовдан жабрланувчи Жасурга 80.000 сўм миқдорида етказилган моддий зарар ундиришни лозим топди ва уни жиноят кодексининг қатор моддалари билан айбдор деб топиб, 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди. Жиноятчининг ўртоғи Усмон ҳам 8 йил умрини панжара ортида ўтказадиган бўлди.

Нафиса РУСТАМОВА,
Мирзо Улуғбек туман прокуратураси иш ўрганувчиси.
Хонбиби МАҲАМОВА,
журналист.

ЛУҚМА

Қувасой, Қува ва Тошлоқ туманларидаги айрим чала қурилган иншоотлар баъзи туманлар мутасаддиларининг бефарқлиги туфайли талон-торож бўлиб кетмоқда.



Эгасиз иншоотлар

Масалан, Қувасойнинг Арсиф ҳудудидаги энг йирик лимонарий хўжалиги, Қўчқорчи қишлоғидаги клуб биноси, Қува туманида ҳар бири 280 ўринли иккита болалар боғчаси ва 4 та янги қурилган, лекин ишга туширилмаган ҳаммом, Тошлоқ туманининг Қумариқ қишлоғидаги ҳашаматли ҳаммом биноси кўз очиб юмгунча ғойиб бўлди. Бу иншоотлар ерга кирдими, осмонга учдими — ҳеч ким англолмай қолди. Тўғри, эҳтимол улар хусусийлаштирилгандир. Унда улар нега халққа хизмат қилмаслиги керак эди?

Фарғона шаҳрининг Истиқлол кўчасига йўли тушган киши ҳозир ҳам эгасиз қолгани боис қурилиши тугалланмаган бинонинг "скелети"ни кўриши мумкин. Бир вақтлар дори-дармон сақлаш омборхонаси деб аталган бу иншоотни миллион-миллионлаб сўм маблағ эвазига вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи инжиниринг" компанияси деб аталувчи ташкилот бунёд этаётганди. Қизиғи шундаки, ана шу объект ҳозир ҳеч бир ташкилотнинг ҳисобида эмас эмиш. Уни бугунги кунда на "Дори-дармон" тан олади, на қурилиш компанияси, на шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги давлат кадастр хизматидагилар. Бундай аҳвол айримларга айниқса, қўл келяпти. Қурилиши қарийб тугалланган мазкур иншоотни баъзи "шоввозлар" сираям тап тортмай шилиб кетишаяпти. Аниқроғи, шип-шийдам қилиб бўлишди ҳам. Қанчадан-қанча арматуралар, плиталар, панелли тўсинлар ва бошқа темир-бетон конструкциялари ташиб кетилди. Ташмачилик ҳозир ҳам давом этмоқда.

Табиий савол туғилади: хўш, нима учун бу иншоотни "бу бизники" деб тан олишга ҳеч ким журъат этмаяпти? Шаҳар мутасаддилари бунга қандай изоҳ беришар экан?

Собир ҚАНОАТ

Муаллиф олган сурат.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Қонун ижроси:

ҚОНИҚАРЛИ ДЕЙИШ ҚИЙИН

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги 12 та қонунида ўз аксини топган. Шулардан бири 1992 йил 18 ноябрда қабул қилинган "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги қонун бўлиб, у ўз йўналишида муҳим меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига қараганда, республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан охирги уч йилда қоқшол, КУ-иситмаси, тошмали тиф, лептоспероз, легионеллез касалликлари, 1995 йилдан бошлаб эса ўткир шол, 2001 йилдан дифтерия касалликлари рўйхатга олинмаган, аҳоли ўртасида гуруҳли касалликлар кузатилмаган. Ташқаридан юртимизга карантин ва ўта хавфли юқумли касалликларнинг кириб келишига йўл қўйилмаган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзолари тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларининг таҳлилини ўрганиш, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида фуқаролардан тушаётган шикоят ва аризалар, сайловчилар билан ўтказилган мулоқотлардаги эътирозларни инобатга олиб, тизимда ҳали ечимини кутаётган муаммоларни ўрганди.

Қўмита ишчи гуруҳи Ўзбекистон Республикасининг "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонунининг Фарғона вилоятида ижро этилишини кўриб чиқди. Вилоят аҳолиси ўртасида ўтган йиллар давомида ўлат, вабо, геморрагик иситма, қуйдирги, қутуриш, бўғма, шол, оқсим (яшур), парранда гриппи каби ўта хавфли касалликлар қайд этилмаган бўлса-да, афсуски, сальмонеллёз, дизентерия, тиф ва паратифларнинг, ўпка сили, вирусли гепатит, менингит ва безгак касалликларининг учраётгани, улардан айримларининг ҳанузгача юқори кўрсаткичларни ташкил қилаётганини қайд этилди.

Аҳоли ўртасида юқумли касалликлар тарқалишининг асосий манбаларидан бири барча турдаги маиший ва ишлаб чиқариш чиқиндиларининг, ахлатларнинг ўз вақтида, қонунда белгиланган тартибда зарарсизлантирилмаслиги оқибатида келиб чиқилаётгани ачинарлидир. Чунончи, Қўқон шаҳар "Сувоқава" ишлаб чиқариш корхонасига қарашли "Оқова сувларни тозалаш иншооти" (раҳбари Сайдулло Деҳқонов) Янгиобод қишлоғида жойлашган бўлиб, унга Эшонобод ва Данғара коллекторлари орқали оқова сувлар келиб тушади. У 1961 йилда қурилган ва ўша пайтда бир кеча-кундузда 25 минг кубометр сувни қайта ишлаш қувватига эга бўлган. Қўқон шаҳар ДСЭНМ бош врачи М.Адҳамов, тозалаш иншооти раҳбари С.Деҳқоновларнинг фикрича бунинг асосий сабаби Данғара тумани ҳудудидаги фермерлар томонидан ерларни суғориш учун нотоза сув оқадиган коллекторларнинг тўсиб олинаётганида экан.

Масалан, Данғара туманидаги Қирқлар қишлоғининг "Азизбек" фермер хўжалиги ҳудудидаги назорат қудуғи ёнидаги сув-оқова тармоғи бутунлай бузилиб, оқова сув очиқ ариқ орқали оқмоқда. Бу вилоят санитария назорати маркази мутасаддиларини, маҳалий ҳокимият раҳбарларини безовта қилмаётгани кишини ташвишга солади.

Ушбу ҳудуддаги ҚВПнинг 1800 нафар туғиш ёшидаги аёлларга хизмат кўрсатадиган гинекология хонасида 7 та эски колпоскоп ва 2 та гинекологик ойнадан бошқа жиҳоз йўқ, резинали қўлқопларни қайнатиб бемалол ишлатишаётгани ҳам ходимларнинг санитария-гигиена қоидаларидан ҳалигача анча узоқда эканини англатади.

Масалага дахлдор мутасаддилардан ҳужжатлар жойида талаб қилиб олинганда Фарғона вилояти Давлат санитария хизмати бош врачи Э. Маликовнинг Данғара тумани ҳокими А.Азимовга, Қўқон "Сувоқова" ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарининг Данғара туман прокурорига ва Данғара тумани "Ғалаба" МФЙ раисига, ҳудуддаги фермерларга, вилоят Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Данғара тумани бўлими раҳбарига, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раҳбариятининг Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га ёзган хатлари мавжуд. Аммо муаммолар Ўзбекистон Республикаси "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонунининг 2-, 3-, 4-, 5- ва 7-моддаларига зид равишда очиқ қолаётгани аён бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Қўқон шаҳар "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Янгиободдаги оқава сувларни тозалаш иншооти лабораториясидаги аҳвол ҳам жуда ачинарли. У ерда фақат сувнинг оксидланиш даражаси аниқланар экан. Ваҳоланки, бугунги кунда оқова сувларнинг тозаланиш даражасини аниқлайдиган замонавий биологик (микробиологик) ва кимёвий усуллар мавжуд. Ушбу муаммони узил-кесил ҳал этиш билан вилоят санитария-эпидемиология назорат маркази жиддий шуғулланмаяпти. Мазкур масалага вилоят ва Данғара тумани ҳокимликлари ҳам панжа орасидан қараб келаётганлари ажабланарлидир. Ҳолбуки, ҳудудда қонуннинг 4-, 6-, 7-, 11-, 27- ва 29-моддалари талаблари ижро этилмаяпти.

Бугунги кунда тиббиёт соҳасининг хусусий сектори ривожланишига кенг имкониятлар эшиги очилган. Аммо хусусий амалиётни ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад — аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматнинг сифати ва савиясини ошириш, даволаш-профилактика ишларини замон талаблари даражасига етказиш эканини англаб етмаган айрим шифокорлар ҳам борлиги бизни хавотирга солди. Масалан, Қўқон шаҳар Шаҳриобод кўчаси, 1-уйдаги 3 та кичкина ва мутлақо антисанитария шароитидаги "Ультрадент — "Stomatologiya" хусусий стоматология кабинети врач стоматологи Ҳусния Мардонованинг сўзларига қараганда, мазкур тиш даволаш маскани "Шифо-Ортос" фирмасига қарашли экан. Юридик ҳужжатларсиз хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланаётган мазкур муассаса фаолияти ўрганилганда ўриндиқлар, асбоб-ускуналарнинг кир ва чанг босиб ётгани, деворлар, поллар ўпирилиб, ҳаттоки, хона полидаги ахлатлар йиғиштирилмагани, дезинфекция эритмаларининг мавжуд эмаслиги, беморлар ҳақида ҳеч қандай ҳужжатлар юритилмаётгани маълум бўлди. Ишчи гуруҳи ташрифи чоғида, кабинетнинг энг ички хонаси — тиш протезлари устахонасида (хона жуда ачинарли ҳолатда) сичқон югуриб юргани, ҳаттоки муассасанинг номи тўғри ёзилмагани киши энсасини қотиради.

"Шифо-Ортос – стоматология" хусусий тиббиёт маскани фаолият олиб бораётган врач-стоматолог Р.Обидов ҳам тиббий фаолият билан шуғулланиш учун рухсат берувчи лицензияни кўрсата олмади. Кабинетда стоматологик касалликлар бўйича жарроҳлик муолажаси ҳам ўтказилар экан. Хонанинг тиббий муолажалар ўтказиш учун умуман мослашмагани, санитария қоида ва меъёрларига зид равишда беморлар қабул қилинаётгани, тиббий ҳужжатлар юритилмаётгани, шифокор савиясининг ўта пастлигига гувоҳ бўлдик. Ҳар иккала хусусий тиббиёт маскани ходимлари ҳам "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги қонунга тиббий ҳужжатларни юритиш лозимлиги тўғрисидаги норма киритилганидан бехабар эканига нима дейиш мумкин?

450 ўринли Бағдод туман марказий шифохонасининг (бош шифокор А. Ҳусанбоев) юқумли касалликлар бўлими (60 ўринли)да озодаликка риоя қилинмаслигига, унда беморлар антисанитария шароитида даволанаётганига гувоҳ бўлдик: 22-24 квадрат метрли палаталарда 3-4 нафардан оналар болалари билан ётишибди, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар шифохонага мутлақо мос эмас. "Ошхона" деб аталадиган хонада лоақал 1 дона стул йўқ, поллар эскириб, кирланиб ётибди.

Риштон туман деҳқон бозори ва Қува туманининг деҳқон бозоридаги санитария ҳолати ҳам кишини афсуслантиради. Бозорлардаги расталарда ва дўконларда озиқ-овқат маҳсулотлари кир ювиш воситалари, лак-бўёқ, хўжалик ва парфюмерия буюмлари билан аралаш-қуралаш аҳволда сотилмоқда. Шунингдек, чой, шакар, новвот, печенье маҳсулотлари ҳам усти очиқ ҳолда, кўкариб-моғорлаган колбаса маҳсулотлари янги маҳсулот билан бирга музлатгичларда сақланяпти. Сабзавот ва мевалар ёнида санитария талабларига жавоб бермайдиган идишларда эса турли салатлар савдоси, санитария (ветеринар) врачидан тегишли ҳужжат олмасдан (ёки олинган санаси аллақачон ўтиб кетган ҳужжат билан) гўшт маҳсулотлари савдоси амалга оширилаётгани, қассобларнинг бирортаси санитария қоидаларига кўра кийинмагани, айримлари гўшт сотиш учун ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмаган ҳолда савдо қилаётганликларига гувоҳ бўлинди.

Риштон туман деҳқон бозори ҳудудидаги хусусий тадбиркорларга қарашли 7 та дўкондаги ош тузларининг йодланганлик даражаси ўрганилганида барча тузларнинг қадоқларида "йодланган", деб ёзилишига қарамасдан, улардан 45-50 фоизи мутлақо йодланмагани, 20-25 фоизи жуда паст ва 20-25 фоизи талаб даражасида йодланганги аниқланди. Бозордаги санитария-гигиена қоидаларига риоя этилиши устидан назорат юритувчи лаборатория фаолияти кўздан кечирилганида эса санитария талабларига зид кўринишда иш олиб бораётган иккита кичкина хонада маҳсулотларни санитария назоратидан ўтказиш учун керакли ускуна, жиҳоз ва реактивларнинг мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Маҳсулотларга санитария назоратидан ўтганини тасдиқловчи ҳужжат текширув ўтказилмасдан берилаётгани аниқланди.

Қува туманидаги Ғоипов номли деҳқон бозоридаги аҳвол бундан ҳам ачинарли. Деҳқон бозори ичимлик суви тармоғига уланмаган. Канализация тармоғи мавжуд эмас. Алоҳида маъмурий хоналар, омборхоналар йўқ, йиғилган ахлат чиқиндиларини ташлаш учун ҳатто махсус жойлар ташкил этилмаган. Фарғона вилояти Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бозор фаолиятини тўхтатиш бўйича туман ҳокимлигига 2008 йил 8 август куни 1301-рақамли хат чиқарган. Лекин минг афсуски, туман ҳокими вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг ёзма мурожаатини ва "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги қонуннинг 29-моддаси 21-банди талабларини бажармаяпти.

Вилоят давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар ва мутахассислар қонунбузарликларнинг олдини олишда қонунда белгиланган ваколат ва ҳуқуқларидан самарали фойдаланмаётганлари боис санитария-гигиена қоидалари ва нормаларига риоя этилиши устидан ўрнатилган назорат мутлақо қониқарли эмас. Бу ўз навбатида, тадбиркорлар, корхона ва муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари ҳамда алоҳида шахслар томонидан аҳолининг санитария-эпидемия масалалардаги ҳуқуқлари бузилишига йўл очиб бермоқда.

Ўйлаймизки, бу ачинарли аҳвол вилоят мутасаддиларини амалий ишларга ундаши керак.

Зуҳра БОТИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЮРТДОШИМИЗ ЯРАТГАН КАШФИЁТ

хорижий мамлакатларда ҳам қизиқиш уйғотмоқда

Ўткир Жабборовни ҳар гал ўзи туғилиб ўсган юрти — қадим Хивага келганида «Обидалар умрини узайтириш ҳақида кўп гапирамиз, келгуси авлодларга ўз ҳолича етказишга ҳаракат қиламиз. Нега йиллар ўтган сайин уларнинг емирилиб бораётгани тўғрисида жиддий иш олиб бормаймиз?» деган савол безовта қиларди.

— Обидалар кўпинча пойдевори ва том қисмидан зах олиб емирилади, — дейди у киши биз билан суҳбатда. — Бунинг олдини олиш учун сув, қуёшнинг таъсирига чидамли ва ҳаво ҳароратининг ҳозирги шароитда кескин ўзгариши каби бошқа ножўя таъсирларга чидамли полимер қоплама ишлаб чиқдик. Ушбу қурилиш материалини Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги айрим таъмирга муҳтож меъморий обидаларда синаб кўрдик. Кутганимиздек, у яхши натижа берди ва давлат томонидан рўйхатдан ўтказилиб, патент олишга ҳам муваффақ бўлдик.

Ҳозир техника фанлари доктори Ўткир Жабборов яратган «Эластик рубероид» «Узбеккровля» комбинатида ишлаб чиқарилмоқда. Янги маҳсулотга талаб кун сайин ошиб бораётир ва у тарихий обидалар, улкан замонавий қурилиш иншоотларида ҳам фойдаланилаяпти. Ҳукуматимиз қарорига асосан бу маҳсулотни кенг ҳажмда ишлаб чиқариш давлат маҳаллийлаштириш дастурига киритилди. Қолаверса, бугун Ўткир Жабборов яратган қурилиш материалига хорижий мамлакатларда ҳам қизиқиш катта.

Абдулла САФОЕВ.
"Хива тонги",
23.03.2009 йил.

ЖОМБОЙДА ҚЎШМА КОРХОНА

Жомбой туманида «Ургут — Латекс Пасаргат» Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси иш бошлади. Лойиҳа қиймати 150 минг АҚШ долларига тенг бўлган мазкур корхонанинг қурилиш-монтаж ишлари учун 50 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. Сармоянинг қолган қисми технологик ускуналарни харид қилиш ва ўрнатишга сарфланди. Масъулияти чекланган жамият йилига 60 тонна қурилишбоп елим ва елим маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Шунингдек, 20 нафар маҳаллий ёшлар доимий иш билан таъминланди.

— Маҳсулотларимизни республикамиз бозорларига чиқарамиз, — дейди корхона раҳбари Муродулла Ибодуллаев. — Келгусида хорижий давлатлар билан экспорт алоқаларини ўрнатишни ҳам режалаштирганмиз.

Яна шуни айтиш мумкинки, яқин кунларда Жомбой туманининг Деҳқонобод қўрғонидаги «Жомбой жавоҳири» Ўзбекистон–Туркия қўшма корхонаси фаолиятини бошлаши кўзда тутилган бўлиб, унда 120 киши иш билан таъминланади.

Ёқубжон МАРҚАЕВ.
"Зарафшон",
01.04.2009 йил.

ВИЖДОН ЖИҒИЛДОНГА АЙЛАНСА...

«Мен энди раҳбарман, нима қилсам, ўзим биламан» деб фикрловчилар ҳам орамизда учраб тургани афсусланарли ҳолдир. Сайфиддин Умаров ана шундай «учар»лар хилидан чиқди. Раҳбарлик лавозимида ишлаб туриб, ўзига топширилган масъулиятли вазифани сидқидилдан бажариш, корхонани ривожлантириш, ишчи-хизматчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, ташкилот ҳисобидаги маблағни ҳар томонлама тежамкорлик билан ишлатиш ўрнига у чўнтагини қаппайтиришни ўйлади. Ўз шахсий манфаатлари йўлида ноқонуний қинғир ишлардан ҳам тап тортмади. Натижада 68.533.082 сўмлик мулк талон-торож қилинди. Дарвоқе, С. Умаров «Жиззахдонмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятининг Бахмал ва Ғаллаорол туманлари бўйича уруғлик дон маҳсулотлари омборида мудир лавозимида ишлаган қисқа вақт ичида бир қанча ҳужжатларни сохталаштиради. Бошқача айтганда, у ҳамтовоқлари — Фахриддин ва Турдибой Мисирмоновлар, «Тўлқин Исаев» ва «Ғолиб Холмуродов» фермер хўжаликлари раҳбари Умрзоқ Исаевлар билан жиноий тил бириктириб, катта миқдорда ўғирлик содир этди. Шунингдек, ўтказилган текширувлар давомида С. Умаров Ғаллаорол ва Бахмал туманларида фаолият олиб борувчи бир гуруҳ фермер хўжаликларининг юмалоқ муҳри, бурчак тамғаси ва ишонч қоғозларини сохталаштиргани ҳам маълум бўлди. Хуллас, С.Умаров ўз иш фаолияти давомида жиноий шериклари билан жавобгарлигидаги 47426827 сўмлик 135680 кг. ғалла уруғлигини ноқонуний далолатномалар ва ёлғон ҳисоботлар тузиш йўли билан ўзлаштириб юборади...

Қ. МАЛЛАЕВ,
Жиззах вилоят прокуратурасининг Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи.
"Адолат ёлқини",
27.03.2009 йил.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

Қалбаки дориларни ким назорат қилади?

(Бошланиши 1-бетда.)

Охирги 10-15 йилда айниқса, 2003 йилдан бошлаб қалбаки дориларни сотиш бизнеси глобал характерга айланган, дейиш мумкин. Чунки бу соҳа дунё бўйича ўртача "дори" тайёрлаётганларга йилига 15-20 миллиард доллар фойда келтиради. Энг ачинарлиси, бундай дори воситаларини истеъмол қилган минглаб беморлар вафот этмоқда. Интернетдан олинган маълумотларга қараганда, Ҳиндистонда қалбаки дориларни истеъмол қилиш оқибатида ҳар йили ўртача 200 минг одам вафот этади. Покистон, Эрон, Афғонистон, Қувайт, Судан, Мисрда ҳам аҳвол деярли шундай. Бир неча йил олдин оддийгина иситмани туширадиган доридан Нигерияда бирданига 2500, Гаитида 75 одам вафот этгани ҳақида ёзишганди. Афсуски, Марказий Осиё давлатларида ҳам қалбаки дорилар савдоси мавжуд.

Хўш, бундай дори воситалари бизнинг мамлакатимизга ҳам кириб келаяпти? Агар кириб келаётган бўлса унинг олдини олса бўлмайдими? Таҳлиллар шуни кўрсатаяптики, бундай дориларнинг асосий қисми Ҳиндистон, Хитой, Вьетнам, Малайзия, Польша ва бошқа қатор Европа мамлакатларида тайёрланар экан. Албатта, улар Ўзбекистонга ноқонуний йўллар билан олиб келинади. Бу дориларнинг 90 фоизи тиббий-назорат муассасаларининг текширувидан ўтмайди. Шу сабабли улар инсон ҳаёти учун ниҳоятда хавфли ҳисобланади.

Яқинда бир бемор хориогоник гонадотропин (гормонал дори)ни кўрсатиб, унинг ҳеч қандай таъсири бўлмаётганидан шикоят қилиб қолди. Синчиклаб қарасак, дори қутисига қоғоз ёпиштириб қўйилган экан. Қоғозни эҳтиёткорлик билан кўчириб олдик. Афсуски, дорининг муддати 3 йил олдин тугаган экан. Маълум бўлишича, бу препаратни беморнинг тоғаси Қўқон шаҳридаги бозордан катта пулга сотиб олган. Сал олдин телевизорда инсулин препаратини қалбакилаштирганлар ҳақида кўрсатишганди. Юртимизда ҳозирги кунда қанд касаллигига чалинган анчагина бемор рўйхатга олинган. Сохта дори тайёрловчи нафси бузуқлар ҳатто инсулинни ҳам қалбакилаштиришга қўл уришмоқда. Ахир, бу дори алоҳида аҳамиятга эга бўлгани учун чет элдан валютага сотиб олинади. Уни бемор ҳар куни қабул қилиб турмаса, касаллик кишида оғир асоратлар қолдиради, ҳатто унинг ҳаётига зомин бўлиши ҳам мумкин. Наҳотки, бойлик орттирмоқчи бўлган айрим нопок кимсалар бировни ўлимга маҳкум этаётганларидан виждони қийналмаса?..

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасининг маълумотларига қараганда, 2009 йил 1 январда республикамизда 5519 та дори воситалари рўйхатга олинган ва сотишга рухсат берилган. Уларнинг фақат 25 фоизигина маҳаллий препаратлар бўлиб, қолган 75 фоизи хориждан келтирилади. Хўш, уларнинг сифати, доимий равишда текшириб турилибдими? Дорихоналарда қалбаки дориларнинг сотилмаслиги қай даражада кафолатланган?

Бугунги кунда мамлакатимизда 5000 дан зиёд дорихоналар мавжуд бўлиб, уларнинг асосий қисми хусусий дорихоналардир. Ўтган йили Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари томонидан 1214 та дорихона текширилган. Бу жами дорихоналарнинг фақат 24 фоизини ташкил қилади, холос. 437 та дорихонада "Ўзстандарт" агентлигидан рухсат олинмаган ва сотишга рухсат этилмаган дорилар топилди. Яъни назоратдан ўтказилган дорихоналарнинг 30 фоизида ҳам афсуски, шундай сохта, контрабанда йўли билан олиб келинган препаратлар аҳолига сотилаётганлиги маълум бўлди.

Ваҳоланки, Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Фарминспекциянинг мамлакатимизнинг турли ғўшаларидаги дорихоналарни текширишга имконияти ҳам, вақти ҳам етмайди. Рақамларга эътибор қилинг: 2007-2008 йилларда юртимиздаги дорихоналарнинг борйўғи 993 таси текширувдан ўтказилган. Тахминан 80 фоиз дорихона эса умуман текширилмай қолиб кетган. Икки йил ичида умуман назорат қилинмаган дорихоналарда қанчадан-қанча қалбаки дорилар сотилиб, нечанеча юртдошларимиз азият чеккан бўлиши мумкин?

Наманган, Қўқон, Ҳазорасп даги ноқонуний дори бозорларида ҳам қалбаки ва контрабанда йўли билан келтирилган дорилар очиқчасига сотилмоқда. Табиий савол туғилади. Хўш, бу ерда сотилаётган дорилар сохта ва етарли клиник кучга эга эмас экан, уни одамлар нега сотиб олишаяпти? Албатта, бунинг сабаблари кўп. Масалан, улардан бири арзонлигидир. Қолаверса, қалбаки дорини ҳақиқийсидан деярли фарқлаб бўлмайди. Фақат махсус экспертиза ташкил этилса, аниқлаш мумкин. Бу ўз манфаатини халқимиз ҳаётидан устун қўяётган, ҳарам-ҳаришдан ҳазар қилмайдиган қалби нопок "бизнесмен"ларга жуда-жуда қўл келмоқда. Қалбаки дорилар савдоси ривожининг яна бир сабаби — дори препаратларидаги ёзувлардир. Уларда "Рецептсиз қўллаш мумкин" мазмундаги сўзларга кўзингиз тушган, албатта. Демак, бемор шифокорга ҳам бориб ўтирмайди, шундоқ уйи ёнидаги дорихонадан керакли дори воситасини сотиб олади-қўяди. Афсуски, бу кўпчиликнинг ҳам чўнтагига, ҳам соғлигига катта зарар келтирмоқда.

Модомики, гап инсон соғлиги ҳақида кетар экан, назаримизда бунга нафақат мутасадди идоралар, балки дори сотиб олаётган ҳар бир истеъмолчи ҳам бефарқ бўлмаслиги зарур.

Тоҳир ИБРАГИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

"АГРОБАНК" — ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ҳозир жаҳон иқтисодиётида мураккаб вазият юзага келган бир пайтда кўпчилик мамлакатлар молиявий-иқтисодий инқирозни бошдан кечираяпти. Шу боис олимлар ва мутахассислар томонидан дунё молиявий ва товар бозорини барқарорлаштириш ҳамда банк тизимини, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Суратда: "Агробанк"нинг Бухоро вилоят бошқармаси учун бунёд этилган янги замонавий биноси.

Асосий эътибор жаҳон миқёсида вужудга келган молиявий инқирознинг салбий таъсирини енгишга қаратилмоқда. Бизда эса аҳвол бошқача. Ҳозирча дунё инқирози юртимизга таъсир қилганича йўқ. Иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишига аввалам-бор мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар ҳамда Президентимиз фармонлари асос бўлмоқда. Халқ хўжалигининг барча жабҳаларида бўлгани каби иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланган молия-банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар давомида Ўзбекистон ҳукумати томонидан мустаҳкам молия-банк тизимини шакллантириш бўйича муайян чора-тадбирларнинг кенг мажмуи қабул қилинган. Мамлакатимиз молия-банк тизимида "Пахтабанк"нинг ҳам ўрни катта.

Мустақиллик йиллари давомида ОАТБ "Пахтабанк" қишлоқ хўжалик ташкилотлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланди.

Жорий йил 1 январь ҳолатига банк қўйилмалари ҳажми (миқдори) 730,2 миллиард сўмни ташкил этиб, унинг 414,4 миллиард сўми қишлоқ хўжалик секторига тўғри келди. Аграр соҳада ишлаб чиқариш тармоғининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшувчи молиявий муассасанинг узоқ муддатли қўйилмалари улуши мақсадли равишда ортиб бормоқда.

Хусусий тадбиркорлик фаолиятини кредитлашнинг ҳажми салмоқли тарзда ошди. Биргина ўтган йил давомида кичик бизнесни ривожлантиришга банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан 83,4 миллиард сўм ажратилди. Кичик корхоналар ҳамда хусусий фирмалар учун берилган микрокредитлар ҳажми эса 39 миллиард сўмдан ошди. Ушбу кўрсаткич 2007 йилдагига нисбатан анча юқоридир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини шакллантиришга йўналтирилган ҳукумат қарорлари доирасида "Пахтабанк" томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида кенг тармоқли минибанклар тизимининг ташкил этилиши мамлакатимиздаги зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли ширкатлар негизида пахта-дон ва боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжаликларига қулай ва самарали банк хизматлари кўрсатишга эътибор кучайтирилди. Мини банкларнинг асосий вазифаси деҳқон ва фермер хўжаликларини банк хизматларининг тўлиқ мажмуи билан таъминлаш эди. Аҳоли яшовчи барча йирик ҳудудларда қўшимча қулайликлар ҳамда тезкор хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида банкнинг махсус кассалари ҳам ишга туширилди. Ҳозирги кунда "Пахтабанк" тизимининг 710 дан зиёд минибанки ва 162 дан зиёд махсус кассалари фаолият олиб бормоқда.

Агросаноат мажмуини ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш ҳукуматимиз иқтисодий сиёсатининг асосий вазифаси бўлиб бормоқда. **Хусусан, 2009 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Агробанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги № 1086 – сонли қарори воситасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхона ва компанияларини молиявий қўллаб-қувватлаш, модернизациялашга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни кредитлаш, муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга ва салмоқли ўринга эга корхоналарни айланма маблағлар билан тўлдириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда соҳа корхоналари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга янада кенг имкониятлар яратиш кўзда тутилмоқда.** Шунингдек, кичик бизнес субъектлари томонидан тақдим этилган лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш, банк инфратузилмасини, хусусан ҳудудий филиаллар тармоғини ҳамда мижозлар базасини, банк хизмати ва маҳсулот турларини кенгайтириш, банкнинг капиталлашув даражасини ошириш, омонатчилар, акциядорлар ҳамда банкнинг бошқа кредиторлари манфаатларини ҳимоялаш каби устувор вазифаларни бажаришга, юқори сифатли ва эффектив банк маҳсулот ва хизматлари билан таъминлашга янада катта эътибор берилади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорига биноан ОАТБ "Пахтабанк" ОАТБ "Агробанк"га айлантирилиб, пахта, дон, мева-сабзавот ва бошқа агросаноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга йўналтирилган қишлоқ хўжалик ташкилотларининг ишончли молиявий ҳамкори бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бунда банк фаолиятининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига кредит бериш ва комплекс тарздаги банк хизматлари кўрсатиш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, барча тур мулкчилик шаклидаги корхоналар, шу жумладан пахта ва ғалла маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган пахта тозалаш ҳамда донни қайта ишлаш саноати корхоналарига кредит бериш ва молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш;
- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга, замонавий чет эл технологиялари ва ускуналарини жалб этишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шу асосда юқори сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан барқарор тўлдириш;
- банкнинг шахсий ресурсларини сафарбар қилиш, омонатлар ва депозитларнинг янги жозибадор турларини таклиф этиш йўли билан аҳоли ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш, улардан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда самарали фойдаланиш, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;
- халқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ва грантларини жалб этиб, кейинчалик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ва республика иқтисодиёти агросаноат сектори корхоналарини ана шу маблағлар ҳисобига қайта молиялаштириш.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ОАТБ "Агробанк" мулкий, молиявий ва бошқа мажбуриятлар бўйича, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари сақланиши ва ўз вақтида қайтарилишини кафолатловчи талаблар бўйича ОАТБ "Пахтабанк"нинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Қабул қилинган мазкур қарорнинг амалга оширилиши иқтисодиётнинг аграр сектори ривожига хизмат қилади ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва қишлоқ аҳолиси талабларини қулай, сифатли, самарали банк маҳсулот ҳамда хизматлари билан таъминлашда ўз ҳиссасини қўшади.

Қабул қилинган қарор банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш ҳамда унинг молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятини ошириш, шунингдек, иқтисодиётнинг агросаноат мажмуидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқариш бўйича моддий-техник базасини такомиллаштириш ҳамда янги минитехнологияларни жорий этишга хизмат қилади.

Яқинда "Пахтабанк", яъни "Агробанк"да яна бир қувонарли воқеа рўй берди. Молиявий муассасанинг Бухоро вилоят бошқармасига тегишли янги замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Эндиликда "Агробанк" номи билан фаолият кўрсатадиган ушбу молия муассасаси мижозлари қўшимча қулайликларга эга бўлдилар.

Банк маркетинг ва матбуот хизмати ®

ҚАРОҚЧИЛАР ҲУЖУМИ

Сомалилик қароқчилар Панама байроғи остида ҳаракат қилаётган Буюк Британиянинг Malaspina Castle юк кемасини гаровга олишди. BBC News хабарида айтилишича, кемада Болгария, Россия, Украина ва Филиппин фуқаролари бор. Босқинчилик пайтида ҳеч ким жабр кўрмаган.



Кеча қароқчилар Тайваннинг балиқчи кемасини ҳам гаровга олишди. Унда кема аъзолари ва балиқчилар, жами 29 нафар киши бўлган. Бу одамлар қайси давлатлар фуқаролари экани ҳозирча аниқ эмас. Хабарда айтилишича, ҳар икки кемага ҳам қирғоққа яқин жойда ҳужум қилингани туфайли, уларни ҳарбий кемалар ҳимоя қила олмаган.

ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИНИ ТУГАТИШ УЧУН

Италия бош вазири Сильвио Берлускони зилзила оқибатларини тугатиш учун ҳукумат 30 миллион евро маблағ ажратганини маълум қилди. Бундан ташқари, Европа Иттифоқининг табиий офатлар оқибатини тугатиш ёрдам фондидан ҳам бир неча юз миллиард евро ажратилади.

Эслатиб ўтамиз, 6 апрелдан 7 апрелга ўтар кечаси Италиянинг Абруццо маъмурий марказида рўй берган зилзила оқибатида Л'Аквила шаҳридаги ўн мингга яқин уйлар қулаб тушди, 70 минг нафар одам бошпанасиз қолди. Сўнгги маълумотларга қараганда, ер силкиниши натижасида 150 нафардан кўпроқ киши ҳалок бўлган. Зилзила рўй берган ерда 20 минг ўринли палаткали лагерь барпо этилди.

НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

Маълумки, шу йилнинг 5 апрель куни Молдовада мамлакат парламентига сайлов бўлиб ўтган эди. Унда коммунистлар сайловчиларнинг 50 фоиз овозини олиб ғолиб чиқишди. Сайлов натижаларидан қониқмаган Молдова Либерал демократик партияси аъзолари кеча Кишиневда норозилик намойишини уюштирдилар. Унда дастлабки маълумотларга қараганда, 2,5 минг нафардан 10 минг нафаргача киши иштирок этган. Намойиш қатнашчиларининг таъкидлашича, сайлов натижалари сохталаштирилган.

Либерал демократик партия раҳбари Владимир Филат ўз тарафдорларини 12 апрель куни ҳам намойиш ўтказишга чиқирди.

ЖУРНАЛИСТ ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Гаванада ўтказилган XVI халқаро биеннале график юмор танловида АҚШнинг собиқ президенти Жорж Бушга ботинка отган ироқлик журналист Мунтазер ал-Зайди фахрий мукофот билан тақдирланди. Бу ҳақда



РИА Новости мухбири хабар тарқатди.

Танлов ташкилий қўмитаси бошлиғи, Куба журналистлар уюшмаси вице-президенти Барбара Давалнинг таъкидлашича, ал-Зайди "Ўз халқи ва бутун инсониятнинг суверенитети ва шаънини ҳимоя қилишдаги қатъий ҳаракати учун" шундай мукофотга лойиқ топилган.

Эслатиб ўтамиз, 29 ёшли журналист шу йилнинг март ойида уч йилга озодликдан маҳрум этилди. Танловда 26 мамлакатдан келган рассомлар иштирок этишди.

ДАРАКЛАР

БУЮК РАССОМНИНГ НОМАЪЛУМ ПОРТРЕТИ

Кеча Римда махсус матбуот анжумани пайтида Леонардо да Винчининг шу пайтгача маълум бўлмаган портрети намойиш этилди. Ушбу асарнинг топилгани тўғрисидаги хабарни шу йилнинг февраль ойида Associated Press мухбири тарқатган эди. Матбуот анжуманида таъкидланишича, санъат мухлислари картинани жорий йилнинг 8 апрелидан 21 августига қадар Италиянинг Вальо ди Базиликата шаҳарчасидаги Луканинг қадимий халқлари тарихи музейида кўришлари мумкин.

2008 йилнинг декабрида тарихчи Никола Барбателли ушбу портретни хусусий коллекциядан топган эди. Дастлабки текширувлар портрет буюк рассом ҳали тирик бўлган пайтда — XV асрда чизилганини кўрсатмоқда. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, бу асар автопортрет эмиш. Аммо ҳали бу фикрни исботлаш лозим.

НАМИБИЯ УЧУН КЕМАЛАР

Янги «Брендан Симбваи» қўриқчи кемаси Бразилиянинг INACE кема қуриш заводидан чиқиб, Намибия қирғоқлари томон йўл олди. Defense Aerospace хабарида айтилишича, Намибия ҳарбий денгиз флоти буюртмаси асосида қурилган мазкур кеманинг баҳоси 24 миллион долларни ташкил этади.

«Брендан Симбваи» Бразилиянинг "Кобокло" кемаси қузатувида Атлантика океанидан ўтиб, 21 апрель куни Намибиянинг Уолфиш-Бей портига етиб келади. Узунлиги 46,5 метр, сиғими 200 тонна бўлган мазкур кема мамлакат чегара қирғоқларини нолегал муҳожирлар, қурол ва гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчилардан ҳимоя қилади. Келгусида Намибия Бразилиядан яна тўртта шундай кема сотиб олмоқчи.

ТАФСИЛОТ

Хулоса чиқаришга шошилмаслик керак

дейишмоқда G20 саммити тўғрисида айрим сиёсатчи ва иқтисодчилар

Лондонда куни кеча бўлиб ўтган G20 учрашувини кўпчилик қизиқиш билан кузатди. Сабаби дунёни кун сайин қамраб олаётган иқтисодий инқироз барча давлатлар ривожига ўзининг салбий таъсирини кўрсатишда давом этмоқда. Ҳар куни ўнлаб корхоналар ёпилиб, юз минглаб одамлар ўз иш жойларидан ажралаяпти. Бу дегани миллионлаб одамларнинг оилавий аҳволи оғирлашмоқда. Оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, Лондон саммити ўтган сафарги Вашингтон учрашувидан фарқли ўлароқ, самарали якунланган. Унинг якунида дунё иқтисодини ўнглашга доир бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинган.

Лондон учрашуви арафасида жаҳон иқтисодиётида ижобий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлаганди. Сўнгги бир ярим ой ичида айрим давлатларда, хусусан, АҚШда саноат моллари ва кундалик молларга талаб бироз ортди. Шунингдек, уй-жой бозорида ҳам бироз ижобий натижалар кузатилди. Хитойда ҳам сўнгги олти ойда саноат ишлаб чиқариш индекси биринчи бор ўсгани қайд этилди. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришни сақлаб қолиш учун миллиардлаб доллар ажратиш тарафдорларининг саъй-ҳаракатлари ўз самарасини бера бошлади. Шу билан бирга йигирмалик раҳбарлари дунё молия бозорига бундан буён ҳам зарур маблағларни ажратиш сиёсатини давом эттиришга келишиб олдилар. 2010 йилнинг охиригача шу мақсадлар учун G20 давлатлари беш триллион доллар ажратишга қарор қилишди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, саммитда барча қатнашчилар протекционизм сиёсатини қаттиқ қоралашдилар. Инқирозлар даврида бирор давлат томонидан фақат ўз иқтисодини сақлаб қолиш учун қилинган ҳаракат протекционизм деб айтилади. Бу ўз қобиғига ўралиб қолишга олиб келадиган сиёсатдир. Бундай сиёсат юритиладиган бўлса, дунёда ҳукм сураётган иқтисодий инқирозни енгиб бўлмайди. Лекин кўплаб давлатлар шу пайтга қадар протекционизм билан шуғулланиб келди. Масалан, АҚШ "Фақат Америкада ишлаб чиқарилган молларни сотиб ол", деган сиёсат юритиб, бу мақсадлар учун 800 миллиард доллар қўшимча маблағ ажратди. Франция ҳам ўз автосаноатини сақлаб қолиш учун шундай йўл тутди. Ваҳоланки, бу борада ЕИ бошқача сиёсат олиб бормоқда.

Учрашув ҳеч қандай жиддий баҳсларсиз ўтди. Аслида; баҳс чиқишига баҳона ҳам, сабаб ҳам бор эди. Масалан, саммит бошида Франция президенти Николя Саркози учрашувда аниқ бир мақсадга эришилмаса, тадбирни ташлаб кетишини айтганди. Охир-оқибатда Саркози учрашув натижаларидан мамнун эканини, форум кутилганидан ҳам муваффақиятли ўтганини қайд этди.

Маълумки, саммит арафасида Хитой, Россия ва яна бир неча давлатлар янги дунё валютасини муомалага киритиш масаласини G20 учрашуви кун тартибиги киритишга ҳаракат қилишини таъкидлашганди. Албатта, бу масала муҳокама мавзуига айланганда, анча баҳсларга сабаб бўларди. Лекин негадир бу масала мунозарадан четда қолди. Аммо йигирмалик учрашувида ЕИ аъзолари илгари сурган муаммо саммит якуний ҳужжатларида ўз аксини топди.

Хўш, бу муаммо нимадан иборат эди? Германия ва Франция жаҳон молия институтлари фаолиятининг янги қоидаларини ишлаб чиқадиган молия кенгашини тузиш ташаббусини олға сурганди. Бу ғояни кўпчилик давлатлар қўллаб-қувватлашди. Энди молия бозорини бошқариш кучаяди. Мутахассисларнинг фикрича, молия бозорида назоратнинг йўқлиги учун солиқдан яширилган пуллар оқиб борадиган офшор худудлар кўпайиб бормоқда. Энди эса Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти офшор ҳудудлар рўйхатини тузишни бошлади. Уларга нисбатан катта жарималар солинади.

1944 йилда ўз фаолиятини бошлаган, кўп йиллардан буён жаҳон молия бозорида ўз ўрнига эга бўлган Халқаро валюта фондининг кейинги йилларда обрўси анча тушиб кетганди. Иқтисодий инқироз пайтида етарли маблағга эга бўлмагани туфайли турли танқидларга учрай бошлади. Сабаби донор мамлакатлар унга маблағ ўтказишни қисқартириб қўйишди. Вазият шу даражада мураккаблашдики, ХВФ ходимларининг бир қисмини қисқартиришга ҳам мажбур бўлди.

Лондон саммитида, қутилмаганда, Халқаро валюта фондига эътибор бирдан ошиб кетди. Дунёдаги бой давлатлар ушбу молия муассасасини қўллаб-қувватлаш керак, деган қарорга келишди. Натижада ХВФ ходимлари ўз қарорғоҳларига бир дунё маблағ билан қайтишди. Фонд ҳозирча ёрдамга муҳтож мамлакатларга 750 миллион доллар беради. ХВФ бу пулни Хитой, Япония ва Европанинг ривожланган давлатларидан олади. Фонд жами бўлиб 1 триллион доллар маблағга эга бўлади. Биз юқорида тилга олган 750 миллион доллардан ташқари, фонд ўзининг 250 миллиард долларлик SDR пулини ҳам зарб этади. Бундай ёрдамдан Жаҳон банки ҳам четда қолмади. Унга ҳам 100 миллиард доллар маблағ ажратиладиган бўлди. ХВФ 2008 йилнинг сентябрь ойидан буён Руминияга — 26,8 миллиард, Украинага — 16,4 миллиард, Венгрияга — 15,7 миллиард, Латвияга — 10,4 миллиард, Покистонга — 7,6 миллиард, Белорусга — 2,5 миллиард, Исландияга — 2,1 миллиард, Сербияга — 516 миллион доллар кредит ажратди. Ҳозирда Туркия ва яна бир неча мамлакатларга кредит ажратиш масаласи ўрганиб чиқилмоқда.

Саммит якуни бўйича ўтказилган матбуот анжуманида ХВФ директори Доминик Стросс-Кан қувончини яшира олмай шундай деди: "Глобализация жараёнларини бошқаришга эътибор беринг, инқироза қарши курашга ажратилган маблағга эътибор беринг. ХВФ G20нинг барча қарорларида иштирок этмоқда.

Яқинда Мексика ХВФдан жуда катта — 48 миллиард доллар кредит сўради. Бошқа мамлакатлар ҳам қарз сўрашда давом этмоқда. Аммо ХВФнинг маблағи йўқ эди. Бугун эса у бирдан бой ташкилотга айланди."

Саммит якунидан барча иштирокчи давлатлар раҳбарлари қониқиш ҳосил қилишганини яширмади. Чунки яқин ўртада ўтган ҳеч бир кўптомонлама музокаралар бундай ижобий натижа билан якун топмаган эди. АҚШ президенти учрашув натижаларини "тарихий воқеа", деб баҳоладди. Шундай бўлса-да, айрим сиёсатчи ва иқтисодчилар саммит якунларига баҳо беришда шошилмаслик кераклигини таъкидлашмоқда. Чунки қарор қабул қилиш бошқа, уни амалга ошириш эса ҳамиша ҳам осон кечавермайди.

G20 нинг навбатдаги учрашуви шу йилнинг сентябрида Нью-Йоркда бўлиб ўтадиган бўлди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ИҚТИСОДИЁТ

ТААЖЖУБ

«Ёлғондан ёқа ушладим...»

ёки хўжалик судининг жавобгар иштирокисиз иш кўргани-ю, лекин ҳал қилув қарорида уни қатнашди деб кўрсатгани хусусида

2006 йил охирида танловда ғолиб чиқиб, туман ҳокимининг қарорига кўра, 88 гектар ерда фермер хўжалиги ташкил қилдим. Дастлабки йил яхши ҳосил олдик, давлат буюртмаларини тўлиқ бажардик, даромад ҳам яхши бўлди.

Меҳнатимиз натижасини кўриб, 2008 йил ҳосили учун кўтаринки руҳ билан ҳаракатга тушдик. "Мустақиллик пахта тозалаш заводи" очиқ акциядорлик жамияти (ОАЖ) билан тузилган шартномага асосан 54,3 гектар ерга эрта баҳорда чигит экдик. Маълумки, ўтган йил баҳор бирмунча совуқ келди. Ниҳолларни совуқ ургани сабабли қайта чигит экишга тўғри келди. Бу ҳам етмаганидек, 23 май куни қаттиқ дўл ёғди, сел келди ва натижада экинларга оғир шикаст етди. Начора, табиий офат-да. 24 май куни туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бош мутахассиси З.Турдибеков, фермер хўжаликлари уюшмаси вакили С.Темиров, "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компанияси туман бўлими бошлиғи Т.Доулов, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими мутахассиси Р.Сахиевлар келиб пахта майдонларини ўрганиб чиқишди.

Аҳвол ростдан ачинарли эди: 27,6 гектар майдондаги ниҳолларнинг 50 фоизидан кўпроғи табиий офат пайтида нобуд бўлганди. Сел ва дўл урган майдон суратга олинди. Комиссия 27,6 гектар майдонга экилган пахта ҳосили режасини бажаришнинг имкони йўқлиги ҳақида далолатнома тузди. Далолатнома туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи С.Ҳайдаров томонидан тасдиқланди, нусхаси туман ҳокимлигига ва "Мустақиллик пахта тозалаш заводи" ОАЖга топширилди.

Кузга келиб жами 92 тонна 700 килограмм пахта етиштириб пахта тозалаш корхонасига топширдик. Начора, даромад ҳам шунга яраша бўлди.

Ўтган йилнинг 15 ноябрь куни кечки пайт уйимга туман машина-трактор парки ҳисобчиси келиб, пахта заводига боришим кераклигини айтди. У ерда пахта тайёрлаш шартнома режасини бажармаганлигим учун вилоят адлия бошқармаси пахта заводи манфаатини кўзлаб хўжалик судига фермер хўжалигимизга нисбатан даъво аризаси киритганини эшитдим. Даъво аризасида фермер хўжалиги томонидан шартномада кўрсатилганидан 59,03 тонна, қиймати 25382900 сўмлик кам маҳсулот топширилганидан келиб чиқиб, бизнинг ҳисобдан пахта заводи фойдасига 6345725 сўм жарима ундириш сўралган. Ваҳоланки, хўжалик процессуал кодекси талабига кўра, даъво аризасининг бир нусхаси бизга берилиши, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни ҳимоя қилиш учун даъво аризаси билан таниш бўлишимиз керак эди. Афсуски, бундай бўлмади. Даъво ариза киритилганидан ҳам, судда кўрилаётганидан ҳам бехабар қолдик.

Ўтган йилнинг 18 ноябрь куни 24 майдаги далолатномани ва бошқа ҳужжатларни олиб пахта тозалаш корхонаси ҳуқуқшуноси билан вилоят хўжалик судига бордик. Ҳужжатларни топширдик. Суд масалани ўрганиб чиқиб, кейин чақиришини айтгандан сўнг қайтдик. Лекин шундан сўнг бизни ҳеч ким судга чақирмади.

2008 йил 31 декабрь куни суд ижрочилари хўжалигимиз ҳисобчисига ижро ҳужжати ва суднинг ҳал қилув қарорини топшириб кетибди. Лекин судья И.Таджиев томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг санаси 2008 йил 13 ноябрь экан. Унда даъво қаноатлантирилибди, давлат божи ҳам биздан ундириладиган бўлибди. Энг ҳайратланарлиси, ҳал қилув қарорида жавобгар вакил А.Қобулов иштирок этгани қайд этилганди. Ваҳоланки, юқорида айтганимдек, судга даъво киритилгани ҳақидаги хабарни 15 ноябрда эшитганман, далолатномани 18 ноябрда топширганман. Бирор суд жараёнида иштирок этганим йўқ. Бундай ёлғондан тўғриси ёқа ушладим.

Судья И.Таджиев бизга хабар бермасдан судда бўлди, иштирок этмасам-да қатнашди, деб ёзди, лекин ҳал қилув қарорини ўз вақтида юбормади. Боя айтганимдек, уни ўтган йил 31 декабрь куни, яъни қарор ўқилгандан сўнг 50 кундан сўнг ижрочилар орқали олдим. Бу пайтда эса ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти бериш муддати ҳам ўтиб бўлган эди...

Барибир кассация шикояти ёзишимга тўғри келди. Олий хўжалик суди кассация судлов ҳайъати шу йил 4 февраль куни шикоятимни кўриб чиқиб, қуйи суд қарорини ўзгартиришсиз қолдирди. Лекин ишни кўриб чиққан судьялар кассация шикоятимдаги эътирозларимни рад қилувчи, уни асоссиз деб ҳисобловчи бирорта асос келтирмади. Мен суд шартнома шартларига эътибор қаратмаётганидан таажжубдаман. Ҳолбуки, хўжалигимиз билан "Мустақиллик пахта тозалаш заводи" ОАЖ ўртасида 2008 йил 10 январда тузилган шартноманинг 6.1 бандида тарафлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган вазиятлар (сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар)га дуч келганда жавобгарликдан озод қилинади, деб ёзилган.

Суд "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддасига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятини бажармагани ёки лозим даражада бажармагани учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради" деб кўрсатаяпти-ю, лекин ўзи шу модда талабини инобатга олмаяпти. Яъни бундай ҳолларда мажбурият бажарилмаганида фермер хўжалигимизнинг айби йўқ. Ўртадаги келишув ҳужжати — шартноманинг биз юқорида айтган банди бизни жавобгарликдан озод этади. Аммо суд негадир буларни инобатга олишни хоҳламади. Тайёрлов идорасининг манфаати асоссиз равишда устун қўйилмоқда. Бу бизга 23 майда рўй берган табиий офатдан кўра кучлироқ таъсир ўтказмоқда. Энди кимдан нажот сўрасак, қаерга мурожаат қилсак экан?

Абдували ҚОБУЛОВ,
Куйи Чирчиқ туманидаги "Абдулла Қобулов" фермер хўжалиги раҳбари.

БАНК ВА МИЖОЗ

САРМОЯЛАР – ЯРАТУВЧИЛИК ВА ФАРОВОНЛИК УЧУН

MIKROKREDITBANK

Аҳоли турмуш фаровонлиги ва бандлигини таъминлашда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг салмоғи йил сайин ошиб бормоқда. Шу боис кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш барча тижорат банкларининг устувор вазифасига айланган. "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг ҳам шу соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш асосий вазифаси ҳисобланади. Кулай ва намунали хизматлари туфайли банк аҳоли ва мижозлар, айниқса, кичик бизнес вакиллари орасида ўзининг муносиб ўрнига эга молиявий муассасалардан ҳисобланади. Айтиш жоизки, банк фермерликни ривожлантириш, хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида универсал банк сифатида шаклланди ва эътиборга тушди.

Айни пайтда мамлакатимизда тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизми шакллантирилди. Бундай муваффақиятлар замирида юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси мужассам. Яъни бевосита Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан ҳаётга тадбиқ этилаётган қатор фармон ҳамда қарорларнинг амалий ижроси банкларнинг фаолияти тобора ривожланишига замин яратмоқда.

Хусусан, 2008 йилнинг 10 ноябрида давлатимиз раҳбарининг "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Негаки, мазкур Фармон туфайли эндиликда тадбиркорларга, умуман, бунёдкорлик ва яратувчилик соҳасида иш бошлаётган фуқароларга катта имконият ҳамда имтиёз яратиб берилди. Яъни фермерларга ажратиладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги микросармоянинг йиллик фоизи 5 фоиздан 3 фоизга, айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдорида бериладиган микрокредит Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 100 фоизидан 50 фоизга, кичик бизнес субъектларига энг кам иш ҳақининг 2000 баробаригача миқдорда йўналтириладиган лизинг хизматлари учун тўланадиган устама эса 7 фоиздан 5 фоизга камайтирилди.

Айтиш керакки, Фармонда белгиланган вазифалар тадбиркорлар учун жуда катта имконият ва имтиёз яратиб бериш баробарида банкнинг микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламининг ошишига ҳам туртки бўлди. Бунга бир йил мобайнида айнан мазкур йўналишда бажарилган ишлар кўрсаткичи 123,2 фоизга етгани ҳамда 55,2 миллиард сўмни ташкил этгани яққол мисол бўла олади. Унинг 40,7 миллиард сўми микрокредитлар ҳисобланади.

Жорий йилнинг бошига қадар кредитлар қўйилмасининг 5,2 фоизи қисқа муддатли, 94,8 фоизи узоқ муддатли микрокредитларни ташкил қилди. Ажратилган микросармояларни таҳлил қиладиган бўлсак, унинг 26,4 миллиард сўми айланма маблағни тўлдиришга, 14,3 миллиард сўми эса бошланғич сармояни шакллантиришга йўналтирилгани аён бўлади.

Банк шунингдек, фаолияти давомида иш билан банд бўлмаган аҳоли ва кам таъминланган оила аъзоларини ўз маблағлари эвазига тадбиркорликка жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, биргина шу мақсадга ажратилган маблағлар ҳисобига айни пайтда 14 103 та оила ўз бизнесини яхши йўлга қўйиб олишга эришишди.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Термизлик Қудрат ака Қиёмов иккинчи гуруҳ ногирони. У имкониятларини чамалаб кўриб, тадбиркорликни бошлаш учун банкка мурожаат этди. Натижада хомашё олиш учун 1 миллион сўм миқдорида микросармоя олиб, ўзининг тикув машинаси билан иш бошлади. Қудрат ака тайёрлаган кўйлаклар, шимлар ва бошқа миллий либослар кўпчиликка манзур бўлди. Бошланган ҳайрли иш натижасида кредитнинг ўзи ҳам, фоизлари ҳам ўз вақтида қайтарилмоқда. Муҳими, тадбиркорнинг оиласи обод бўлди. Ҳозир у фаолиятини икки нафар шогирди билан юритмоқда.

Тегишли вазирлик ва жамоат ташкилотлари билан олиб борилган ҳамкорликлар натижасида республикамиздаги коллежларнинг бир минг уч юзга яқин битирувчиси тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Уларнинг иш бошлашлари учун банк 1,3 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратди. Эндиликда улар ўқув юртида эгаллаган билим ва кўникмаларини амалиётда қўлламоқдалар. Тадбиркор сифатида мустақил иш юритишмоқда.

Умуман олганда, Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма ва "Микрокредитбанк" маблағлари ҳисобига бугун республикамизда 622 та сартарошхона, 200 та ҳаммом, 373 та пойабзал таъмирлаш устахонаси, 196 та суратхона, 466 та либослар ателъеси, 940 та бошқа турдаги тадбиркорлик субъектлари аҳоли хизматида. Айниқса, бундай хизматларнинг қишлоқ жойларда ташкил этилаётгани эътиборга моликдир. Демак, қишлоқларимизга замонавий сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари кириб бориши уларни янада обод қилмоқда. Қурилаётган бино ва иморатлар қишлоқлар кўркига кўрк бўлиб тушмоқда.

Банк пухта ишлаб чиқилган режа асосида иш бошлаётган мижозлар билан ҳамкорликни мустаҳкам йўлга қўйиб бораяпти. Масалан, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидага "Паканди гўзали" фирмаси дастлаб банкдан 1 миллион сўмлик бошланғич сармоя олиб ўз фаолиятини бошлаган эди. Тез орада корхонанинг ишлари юришиб кетди. Унинг хизмат ва маҳсулотларига бўлган эҳтиёж олинган маблағини вақтида қайтариш имконини яратди. Шу кунларда фирма ишини янада ривожлантирди. Бунинг учун эса банк томонидан яна 3 миллион сўмлик микрокредит ажратилди. Бундай тадбиркорлар сирасига Бухородаги "Пирамида Люкс", Сирдарёдаги "Шаҳло Барака" фирмаларини ҳам киритиш мумкин.



Тадбиркор Искандар Халилов "Нарзулло-Файзулло-Термиз" номли хусусий корхона очди ва 8 миллион сўмга яқин микросармоя олиб суяк уни тайёрлашни йўлга қўйди. Натижада бир ярим йилдан буён паррандачилик хўжаликлари учун жуда зарур бўлган ем ишлаб чиқариб, кўплаб харидор ва ҳамкорлар топди. Мамлакатимизнинг бир четида тайёрланаётган суяк уни бугунги кунда барча вилоятларга етказиб берилаяпти. Ҳозирча хусусий корхонага ажратилган микросармоя эвазига 4 та иш ўринлари яратилди. Шу кунларда тадбиркор ишлаб чиқараётган маҳсулотига талаб ортаётгани учун корхонани янада кенгайтиришга ва айланма маблағни тўлдириш учун микросармоя олиш ҳаракатига тушган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Хусусан, банк кўмаги билан жойларда чеварлик, пазандачилик сирларини ўргатувчи ўқув марказлари фаолияти ҳам кенгайиб бораяпти. Масалан, Навоий вилоятидаги "Муслима Зиё", Хоразм вилоятидаги хусусий тадбиркор Наргиза Раҳимованинг ишлари бу борада бошқаларга ўрнак бўладиган даражада ташкил этилгани билан эътиборни тортади.

Замонавий тадбиркорлик замонавий техника ва технологиялар билан ривожланиши аниқ. Шу боис бугунги кун тадбиркори мана шу жиҳатга жиддий аҳамият беради. "Микрокредитбанк" эса уларнинг ана шу эҳтиёжларини қондириш йўлида талайгина ишларни бажариб келмоқда. Чунончи, бу борада ўтган йил мобайнида 576 субъектга 16,4 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди. Унинг 536 таси ёки 14,7 миллиард сўмлиги микролизинг, 1,7 миллиард сўмлиги ёки 40 таси лизинг хизматига тўғри келади. Кўрсатилган микролизинг салмоғи микромолиявий хизматга нисбатан 26,5 фоизни, банк кредит қўйилмасига нисбатан эса 16 фоизни ташкил қилди. Эътиборлиси, лизинг хизматларнинг деярли барчаси туман филиаллари ва мини банклар томонидан амалга оширилган. Умуман, жорий йилнинг бошига келиб лизинг портфели 31,2 миллиард сўмни ташкил қилди.

Айтиш жоизки, лизинг хизматларини амалга оширишда Президентимизнинг 2006 йил 24 августдаги "Қишлоқ хўжалиги учун мини технологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори доирасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Agrominitech Expo" кўргазма-савдоси ҳам муҳим омил бўлмоқда. «Микрокредитбанк" мазкур тадбирда ҳам мунтазам қатнашади. Унда иштирок этган республикамиздаги фермер ва тадбиркорларга ўз хизматларини таклиф этади. Жумладан, кўргазманинг ўтган йилгисида банк мижозлари томонидан 1,3 миллиард сўм миқдоридаги 48 та шартнома имзоланди. Унинг 1,1 миллиард сўми мини технологиялар учун бўлса, 175,7 миллион сўми қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун тузилди.

"Микрокредитбанк" эндиликда жаҳоннинг эътиборга сазовор молиявий ташкилотлари қаторида фаолият юритмоқда. Банкнинг 2008 йилдаги фаолияти якунларини ўрганиш бўйича Прайс Вотер Хаус Куперс халқаро аудит ташкилоти жалб этилди ва унинг фаолиятига халқаро аудит ташкилоти томонидан ижобий хулоса берилди.

Бутунжаҳон Микромолиявий ташкилотларнинг ахборот алмашинуви — "MIX-MARKET" рейтинг агентлиги ҳисоботига кўра, "Микрокредитбанк" Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида йириклиги бўйича жаҳоннинг энг яхши 100 та банклари сафига кирди ҳамда 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилди.

Яқинда дунёнинг энг нуфузли «Фитч рейтингс» халқаро рейтинг компанияси томонидан "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкига банкнинг молиявий ҳолати, яъни ўз молиявий мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш қобилиятига узоқ ва қисқа муддатли ҳамда умумий узоқ муддатли йўналишлари бўйича барқарор рейтинг баҳолари берилди.

"Микрокредитбанк" ушбу рейтингга ташкил этилганидан буён иқтисодий фаолиятини оқилона юритгани ва шакллантиргани, МДҲ мамлакатларидаги худди шундай банклар ўртасида ўзининг кредитлар бериш лаёқати, айниқса, хусусий тадбиркорларга ва кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитларининг самарадорлиги, сифатли кредит портфели туфайли эришди.

Бугунги кунда банк ўз фаолиятини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларининг талаб ва эҳтиёжлари асосида ташкил этмоқда. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг устувор йўналиши деб эътироф этилган мазкур соҳада шуғулланаётган ишбилармонлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида мулоқот қилиш баробарида уларнинг кредит ресурсларига бўлган талаб ва эҳтиёжлари қондирилиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Рашид РАУПОВ ®

Учрашув

ЭССЕ

Абдусаид КЎЧИМОВ

I

Ёлғон гапиришнинг нима кераги бор: кўриниши ёқмади — каттазанг, қўлларини чарм қамзул киссасига суқиб тираб олган; бошини кийман ташлаб, қирғиз кўзларини қисиб, айб излагандай зичлаб, худди терговчилар каби синчков тикилади. Ғашим келди. Телевизорда бип-бинойи кўринарди. Адабий жараён, бадиий маҳорат мавзусидаги суҳбатлари диққатли эди. Камтар, камсуқум одамдек туюлганди. Мана мундай — сўмрайиб, худди жанжаллашмоқчидай ҳурпайиб туриши... илиқ-илмиқ тасаввурларимни бузиб ташлаётгандек бўлди.

"Илиқ-илмиқ" таассуротларим эса мана мундоқ эди:

Қозоқбой Йўлдош — синчков танқидчи, сонсиз китоблар орасидан асл бадиий асарларни бехато ажратади, ўз овозига эга адибларни яхши танийди;

бадиий асарга эскича — ижтимоий-сиёсий қонунларга таянган схематик талаблар билан ёндашмайди, кўтарилган масаланинг долзарб ёки муҳимлигига қараб эмас, балки асарнинг бадиий қимматига қараб баҳо беради;

ҳақ сўзли, жасоратли; илмга, виждонига хиёнат қилмайди. Чала-чулпа фикр айтмайди;

энг ҳавасли фазилати — таҳлилда фақат матнга таянади. Сўз қатламларида ётган энг яширин маъноларни, нозик ишораларни, жонли тасвирларни зукколик билан илғайди;

фикрида кескинлик, муросасизлик кучли эса-да, талқинлари ҳалол ва пок бўлгани боис, иддаолари ботмайди, аксинча, ҳурмат уйғотади кўнгилда, шу сабабдан бўлса керак, айримлар у билан баҳслашишдан ҳайиқиб турадилар.

Тафаккури мантиқли.

Миллий университетнинг обрўли педагогларидан, қобилиятли талабаларнинг севимли домласи.

Яна бир гап шуки, мен ҳозирга қадар бирон марта ҳам у билан ҳамсуҳбат бўлган эмасман. Тўй-томоша, мажлис-машваратда дуч келгандирмиз, аммо таъкидлаб ўтганимдек, мулоқотда бўлганим йўқ. Асосан, уёқ-буёқда чиққан мақолалари ва телесуҳбатларидан танийман. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида босилган бир мақоласидан кейин, айниқса, қизиқишим ошган. Мақоланинг сарлавҳасиёқ диққатли: "Тишинг ўтмаса, тош чайнама". Эргаш Очил деган адабиётшуноснинг мақоласига жавоб тарзидаги мазкур таҳлил фикрнинг кескинлиги, тилнинг аччиқлиги билан ўқувчини лол қолдирарди. Э. Очилнинг мақоласига кўзим тушмаган экан, топиб ўқиб чиққач, Қозоқбой Йўлдошнинг "ғазаби" беҳуда эмаслигига иқрор бўлдим. Унинг "Англашнинг азобли йўли" сарлавҳали бошқа бир мақоласидан кейин эса ҳурматим янаям ошди. "Гулистон" журналида босилган бу мақолада модерн, модернизм босқичлари батафсил таҳлил қилинган эди...

Йўл четида кўк "Тико" тўхтади, Пирмат Шермуҳамедов тушди.

— Кечикканим йўқ, запасда яна икки минут бор! — деди "сотка"сини пахса қилиб.

— "Флагман"лар кечикмайди, ушланиб қолади! — Муҳаммад Али ака кўпдан кўрмагандек бағрига маҳкам босиб кўришди. Пирмат ака бошқалар билан ҳам қучоқлашиб саломлашди. Кейин:

— Значит, жамоа жам, — дея атрофдагиларга бирров кўз ташлади-да: — Доктор йўқ-ку! — деб юборди тилло топгандай суюниб.

Шу лаҳза: "Келдим, шу ердаман!" — деган садо эшитилди метро тарафдан. — Жуманазар Бекназар ғоз-ғоз қадамлар ташлаб келарди табассум билан.

— Қойилман, қойилман! — деганча унга пешвоз чиқди Пирмат ака. — Жаримадан яна қутулиб қолдингиз.

— Жўнасак бўларди, устоз. — Пирмат акага мурожаат қилди Қозоқбой Йўлдош. — Анча йўл. Кечикиб ўтирмайлик. — У боягидан-да паришон ва безовта кўринди; ҳатто бир нимадан норозидай, тажангроқдек эди.

II

Жўнадик.

Олдинда биз "Волга" автоуловида, орқада оқ "Нексия", олдинма-кейин Тошкент—Термиз йўлида ғизиллаб кетаяпмиз. Қиш кетиб, кунлар илиб-исиётган пайт. Теваракка қарасанг, баҳри-дилинг яйрайди: шудгор далалардан кўтарилаётган тумандек оппоқ буғ, уватларни қоплаб бораётган ям-яшил майса, енгил шамолда қалтираб турган битта-яримта ўрик гуллари...

Қозоқбой Йўлдош ташқарига тикилганча миқ этмай ўтирарди. Шоир Азим Суюн ҳам унга эътибор қилиб келаётган экан:

— Нимадан хафасиз дўстим? — деди.

— Учрашувни ўйлаб, ваҳима босаяпти, — ўйчан жавоб берди у. — Қанча-қанча мажлису маросимларда сўз айтдим. Катта-катта минбарларда сайрадим. Аммо бир кун келиб ўзим ҳам учрашув манбаи бўламан деб, сира ўйламаган эканман.

Азим Суюн ҳайқириб юборди:

— Э, қойилман-е! Шу гапингизни бировга айтсам, ўлай агар, ишонмайди!

Машина кулгига тўлди.

Дилимда ўзгача илиқлик уйғонди. Бегонасираш, ғашлик тарқалди.

Қозоқбой аканинг чиройи ҳам сал-пал очилгандай бўлди:

— Ҳамқишлоқ-юртдошларинг, бирга ишлаган ҳамкасбларинг қошида президиумга чиқволиб, қани оғайнилар, мени мақтанглар-чи, дегандай кўзингни лўқ қилиб ўтириш... ғирт азобга ўхшайди. Ҳозирдан уялиб, қийналиб кетаяпман.

У рост айтаётган эди. Қалбидаги ташвишларни тан олиб, хижолатини яширолмай... Тўнглик ё каттазангликмас, соддалик, самимий одамнинг оддий кечинмалари шу-да.

Бемаъни хаёлларга борганимни қаранг!..

Ялламанинг кўпригида ортимиздан келаётган "Нексия" бизни қувиб ўтди. Чиноз бозорчасига етмай, йўл чеккасида тўхтади.

Ҳаммамиз машинадан тушдик.

— Шу кўчадан ўтиб, Чинознинг каллашўрвасидан тотинмай кетиш — гуноҳ! — деди Пирмат ака.

— Устоз, ҳаяллаб қолсак, у ёқдагилар маҳтал бўлиб қолади, — дея эътироз билдирди Қозоқбой ака.

— Кўпни музтар қилишдан ёмони йўқ, — уни қувватлади Абдухолиқ Абдураззоқов.

Пирмат ака парво қилмади:

— Эй, оғайнилар, кўпам ваҳима қилмангилар, ҳаммаси "О, кей!" бўлади, — деди шодумон оҳангда.

"Флагман" сўзида турди. Каллашўрвани ҳузур қилиб танаввул этиб, йигирма беш дақиқалардан сўнг Сирдарё кўпригидан ўтиб, чапга бурилдик. Дарёга ёндош асфальт кўча қадимий Шохрухия харобаларига етганда ўнгга қайрилди.

— Биродарлар, шу ерда бир пас тўхтайлик, — деди ҳалидан бери "тезроқ юрайлик" деб қистаётган Қозоқбой Йўлдош. — Тушинглар, боболарга салом бериб ўтмасак бўлмайди. — У машинадан чиққач, кўксини тўлдириб нафас олди, кўпдан кўрмаган сирдошлари қошида тургандай ички энтикиш ила теварак-атрофга назар солди.

Дарё қирғоғи чуқур жар. Жар тепасида кавш қайтариб ётган подадай катта-кичик дўнгсаклар қорайиб кўринади. Ранг-баранг майса-гуллар билан қопланган бу манзил қадимги аждодларимизнинг макони, бир маҳаллар довруғи етти иқлимга ёйилган шаҳар — Шохрухиялигига ишониш қийин.

— Ҳар келганда юрагим шовшаб кетади, — деди Қозоқбой Йўлдош ўз-ўзига гапираётгандай. — Ёвузлик нима, босқинчилик нима, озодлик нима, мустақиллик нима деганда, мана шу тепаликлар кўз олдимдан ўтаверади. Боболаримиз гузарталашлик, мансабталашлик қилмаганларида ҳар қандай ёвни яксон қилишга қодир эдилар.Агар бир-бирини қўллаб-қувватлаганда Шохрухия ҳам Римдек, Афинадек ҳамон яшнаб турмасмиди, деб ўйлайман. Нақадар азиз ва нақадар фожиавий китоб бу. Она-юрт эркининг қадрига етмаган, менсимаган касларнинг бўйнидан судраб буёққа опкелиш, бурнини ажриққа ишқаб-ишқалаб кўрсатиш керак бу шаҳар қолдиқларини!

Унинг аввалги хомуш- хаёлкаш қиёфаси бутқул ўзгариб кетган, кўзлари баҳор чақмоқлари янглиғ яшнаб турарди.

Бу пайтда Жуманазар Бекназар билан ёнма-ён туриб атрофдаги бетакрор гўзалликни томоша қилаётган эдик. Қозоқбой аканинг ҳис-ҳаяжонлари Жуманазар акани ҳам ўйларга толдирганди.

— Гўзал инсон, — деди у пичирлаб. — Ўз тили билан айтганда "ноёб яратиқ". Билмаган соҳаси йўқ. Энциклопедия. Айниқса, одамгарчилиги, дўстларига садоқати...

Анча йил лавозимларда юриб, кўп марта оғзим куйгани учунми, "садоқатли дўст" демиш бирикмага очиғи ҳадиксираб қарайдиган бўлиб қолганман. Одатда ҳамма дўст орттиришга, улар билан ҳамдард бўлишга интилади. Мен эсам бировга яқинлашишдан ҳам, бировни атрофимга яқинлаштиришдан ҳам чўчийман сўнгги пайтларда. "Шундай қалин жўраларим борки, бер, десам, жонини аямайди", дейдиганларга "илоҳим охиригача шундай бўлсин", дейман ичим титраб...

Суҳбатларимиздан бирида Пирмат Шермуҳамедов бундай деган эди: "Амалдорнинг дўсти кам бўлади. "Дўстман", деганнинг кўпи унга манфаат булоғи деб қарайди. Булоқ суви озайиб ё қуриб қолган куниёқ бундай "дўст"ларнинг айримлари ура қочади, айримлари биринчи бўлиб иғвобўҳтон тўқийди, маломат ёғдиради, айримлари эса Эркин Воҳидов ёзганидай:

Дод, минг дод.
Мен йўқотдим азиз кишимни!
Ўлмай ўлгур
Битирмасдан кетди ишимни! —

дея ортингдан уввос солиб, кесак отади.

Жуманазар ака бутунлай бошқача инсон — сердўст, кенг феъл. Фаолияти ҳам серқирра: тиббиёт фанлари доктори, профессор, республикада кўзга кўринган жарроҳ. Шу кунгача тўрт мингдан ортиқ беморни операция қилиб, ўт қопчаси-ю, бўйрагини заҳарли тошлардан тозалаган. Яна таниқли журналист, нозиктаъб шоир, маҳоратли адиб. Ўнлаб илмий-оммабоп китоблардан ташқари, қатор шеърий ва насрий асарларнинг муаллифи. Яна... катта-ю, кичикка бир хил — самимий. "Қани эди ҳамма шифокор шундай бўлса!", дейдиган битта мен эмас...

— Қозоқбойга бу жойларнинг ҳар қадами қадрдон-да, — деди ҳавас ва эҳтирос билан Жуманазар ака.

— Қадрдон ҳам гапми, умримнинг тенг ярми Мирзачўлнинг дашт-у, далаларида ўтди. — Жуманазар аканинг сўзини илиб кетди у. — Шу ерда туғилдим, мактабни шу ерда тамомладим, институтни ҳам шу ерда тугатгач, мактабларда дарс бердим. Бир неча йил колхозда партком бўлдим ва бошқа масъул вазифаларда ишладим. Шўро замонининг жамики ҳийла-найранглари, яхши-ёмонлари билан шу ерда тўқнашдим. Шохрухия менга миллат ожизлигининг рамзидай эди. Бесаранжом кезларда доимо Шохрухияга келардим, қизғалдоқлар гуллаб ётган дўнгсакларда ўтириб, узоқ-узоқ хаёл сурардим.

III

Қозиқбой Йўлдош яна нималарнидир таъкидламоқчи эди. Муҳаммад Али қўймади:

— Тақсирим, одамларни маҳтал қилмайлик, деб ўзингиз тарихга андармон-алағда бўпқолдингиз-ку.

— Дарвоқе... ҳайдадик!

Барчанинг кайфияти аъло: чашма сувидай тиниқ ҳаво, кўрку малоҳатини кўз-кўз қилаётган келинчакдек барно табиат, камалак тусли осмон, майса ҳидига чўмилган шабада — ҳамма-ҳаммасида баҳорий шукуҳ ҳукмрон эди. Қишлоқ кўчаларидаги ободлик-поклик, мактаб ҳовлисида тўпланиб турган тумонат чеҳрасидаги хурсандчилик эса ҳаяжонимизни янаям ошириб-тоширди.

Машиналар тўхташи ҳамоно чиройли кийимли оқ-қизил гуллар кўтарган болалар қий-чув билан теварагимизни ўраб олдилар. Икки қаватли бинога олиб кирувчи йўлакда ҳам ясан-тусан ўқувчилар турнадай тизилиб туришарди.

Манзара Қозоқбой акага ёқмади:

— Шўродан қолган дабдабабозликдан қачон қутуларканмиз? Оёқлари оғриб кетгандир бола бечораларнинг...

Ўқитувчилар, маҳалла оқсоқоллари, тумандан келган вакиллар билан саломлашилгач, мактаб боғига бир тупдан дарахт кўчати ўтқаздик. Сўнгра директор бошчилигида синфхоналари, фан кабинетларини томоша қилдик. Адабиёт хонасида "Қозоқбой Йўлдошев партаси" бор экан. Энг билимдон ўқувчилар ана шу партада ўтириш мукофоти билан сийланар экан.

— Биз Қозоқбой Йўлдошев билан фахрланамиз.Мактабимизда Қозоқбой Йўлдошевнинг издошлари жуда кўп, — дея ғурур билан изоҳлади адабиёт муаллимаси. —



СУРАТДА: *адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдош*

Бир неча марта туман ва вилоят олимпиадаларининг ғолиби бўлдик. Шеърлар, ҳикоя ва мақолалар ёзаётган ўқувчиларимиз ҳам анчагина. Қозоқбой ака тез-тез келиб улар билан суҳбатлашади, маслаҳатлар беради.

— Муаллиманинг гаплари ростми? — болаларга қараб муғомбирона мурожаат қилди Пирмат ака. — Қозоқбой Йўлдош кимлигини биласизларми ўзи?

Бир неча овоз бараварига жаранглади:

— Ҳа-а!

IV

Ниҳоят, бугуннинг энг асосий воқеасига етиб келдик.

Туман мактабларининг тил ва адабиёт фани ўқитувчилари, маънавият ва маърифат жонкуярлари, журналистлар ва сирдарёлик ёш ижодкорлар, юқори синф ўқувчилари йиғилган лиқ тўла залда учрашув бошланди. Учрашувни шу ташвишларнинг ташаббускори ва ижрочиси, халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси Гулистон тумани қўмитаси раиси Ёқубжон Мадаминов олиб борди.

Биринчи бўлиб профессор Пирмат Шермуҳамедов гапирди.

— Бугунги тўпланишимизнинг сабабчиси мана, — деди у Қозоқбой Йўлдошнинг "Ёниқ сўз" китобини баланд кўтариб. — Тўплам "Англаш йўли", "Кўркамлик чечаклари", "Йўлда йўлдошлар", "Чизгилар", "Кўркамлик очқичлари" тарзида номланувчи беш қисмдан ташкил топган.

Хўш, бу китобнинг адабиёт илмидаги ўрни ва аҳамияти нимада? Аввало, китоб ўзбек адабиётининг энг долзарб масалаларини тадқиқ этишга бағишлангани билан қадрлидир. Китобда бугунги адабиётнинг ўзига хос фазилатлари, кечаги ижод намуналаридан фарқли томонлари яхши очиб берилган, кўп муаммо ва масалалар холис ёритилган. У адабиётимизнинг камолотини яққол кўрсатиб беришга хизмат қилади, ўқувчи тасаввурини бойитади, уни мушоҳадага, баҳсга чорлайди.

Пирмат акадан кейин Муҳаммад Али, Адҳамбек Алимбеков, Жуманазар Бекназар, Абдухолиқ Абдураззоқов ва Тошкентдан борган бошқа меҳмонлар минбарга чиқиб, "Ёниқ сўз" китобининг ўзига хос фазилатлари тўғрисида фикр билдирди. Маҳаллий адабиётчилардан ҳам бир нечтаси сўзга чиқишди. Учрашув қизигандан-қизиб бораётган дамларда Қозоқбой аканинг ўзига навбат етди. Мен уни ажойиб воиз деб эшитган эдим. Университетда лекция ўқиганида талабалар жон қулоғи билан тинглаши, аудиторияни пашша учса эшитиладиган даражада сукут қоплаши тўғрисида кўп гапиришган. Эрталабдан буён беҳаловат бўлиб келаётган одам, қани, энди нима дер экан, деган инжа қизиқиш билан уни кузатдим. У вазмин ва бағоят хотиржам эди. Мийиғида илжайганча залга қараб турди-да:

— Тошкентдан келган ёзувчилар билан охирги марта қачон учрашгансизлар? – деб сўради.

Ҳадеганда жавоб бўлавермади.

— Нега индамайсиз?

— Бу яқин орада ҳеч ким келган эмас, — овоз берди ниҳоят кимдир.

— Кўрдингизми, юрт таниган улуғлар ҳар доим ҳам мана бу тарзда ҳузурингизга келавермайдилар. Чунки, уларнинг ҳам иши, вазифаси, бир дунё ташвиши бор. Модомики, имкон топиб қаршингизда турган экан нега жим ўтирибсиз? Нега саволларга кўмиб ташламайсиз. Ёки саволингиз йўқми?

— Саволдан кўпи борми, Қозоқбой иним, — деганича жойидан турди биринчи қаторда ўтирган узун бўйли, озғин киши чечанлик билан. — Пайтини кутиб, "одобли бола" бўлиб ўтирибмиз-да. Модомики, вақти келган экан, айтгин-чи, ука, кейинги йилларда "модерн адабиёти" деган адабиёт тўғрисида хўп боплаб ёзаяпсан. Мақолаларингни ўқиган одам сени Сирдарё чўлларида эмас, Европанинг киндигида катта бўлган, деб ўйлайди. — Одамлар кулиб юборишди, саволчи амаки қалампир дўпписини тўғрилаб давом этди. — Мазкур атама кенг истеъмолга кираётир. Ўзбек адибларининг ушбу йўналишдаги ишлари қандай бораяпти?

— Сиз битта эмас, иккита савол бердингиз, — жилмайди воиз, — Мен ҳам икки қисмга бўлиб жавоб бераман.

Биринчиси — "модерн" нима?

"Модерн" французча бўлиб, энг янги деган маънони англатади. Модернизм XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг 50-60-йилларида Европа ва Америка адабиёти ва санъатида ривож топган оқим ҳамда йўналишларнинг умумий номи ҳисобланади. Ўша пайтлардан эътиборан, фақат адабиётда эмас, балки меъморчилик, мусиқа, ҳайкалтарошлик, рангтасвир кабиларда ҳам модернизм кўринишлари кучайди.

Модерн асарлар инсон руҳиятининг мураккаб жилоларини ифодалайди. Бу тоифадаги асарлар ижтимоий-сиёсий чақириқларга эмас, самимийликка, оддий инсоний кечинмаларга таянади. Уларнинг ижтимоий қиммати ҳам уларда ижтимоийлик даъвосининг йўқлигидадир. Аммо бу йўналишдаги асарлардан маънавиятимизга ёт бўлган хато қидириш, улардан "олабўжи" ясаш керак эмас. Сабаби, улуғ модернчи адиблар ҳам худди ўзимизнинг суфийлар каби инсонни нуқсонсиз кўрмоқни исташади...

Ҳозирги ўзбек модерн адабиёти ҳеч қандай қолипларга тушмасликка интилаётгани, сохта кўтаринкилик ва сунъий чақириқлардан қочаётгани, ифода тарзининг мукаммаллашгани, ижтимоий хизматкорликдан бош тортаётгани билан характерланади.

Қозоқбой ака шу ерда сўзини якунлаётгандай тўхтаб, залга бирров кўз ташлаб олди. — Домла, саволингизни иккига бўлибман-у, қизишиб, жавобни битта қилиб юборибман. Борича қабул қилинг энди.

Залда енгил кулги кўтарилди.

— Домла, менда ҳам битта савол бор, — деди дераза яқинида ўтирган келишган бир ёшгина жувон. — Мустақиллик даври ўзбек адабиёти ҳақида гапирганда айрим олимлар мустақиллик даври адабиёти ҳақида эмас, мустақил адабиёт ҳақида фикрлашиш фойдали, дейишади. Бунда нима кўзда тутилган бўлади?

— Замон — абадий, давр — ўткинчи, дейдилар. Адабиёт ана шу икки қарамақарши тушунча: абадийлик ва ўткинчиликни бирваракайига ўзида акс эттириши лозим бўлган уникал ҳодисадир. Бошқачароқ айтсак, давр келиб-кетаверади, асл адабиёт эса қолади. Аммо унутмаслик керакки, ҳар қандай адабиётда, ҳар қандай зўр асарда ҳам ўз даврининг нуқси акс этади. Ана, ҳаммамиз биладиган шўро адабиёти ҳукм, хулосалар адабиёти эди. Бу даврда адабиёт, адиб ё ҳукумат ё партия ёки халқ, баъзида эса бирваракайига шуларнинг барчаси номидан гапирарди. Эндиликда адабиёт ана шу ўзига бегона азобли юмушдан қутулди, сиёсий етакчилик, мафкуравий йўлбошчилик қилмайдиган, бировга йўл кўрсатиб, ақл ўргатмайдиган бўлди. Шу тариқа у сиёсий воситадан чин эстетик ҳодисага айланди. Бу адабиёт инсон руҳияти қатламларини бадиий тадқиқ этадиган, ҳақиқий маънода мафкурадан мустақил адабиёт бўлди.

Ҳалидан буён бир неча марта қўл кўтариб-тушириб турган муаллима илдам жойидан турди:

— Биз, оддий ўқувчилар, роман деганда залворли, камида 300-400 бетлик китобни тушунар эдик, — деди у. — Ҳозир бўлса, айрим ёзувчилар қисса ҳажмидаги асарларни ҳам роман деб атаяпти. Шу тўғрими?

— Роман ҳар қандай шаклда ва ҳар қанча ҳажмда бўлиши мумкин. Уни тарозида тортиб ёхуд муайян босма тобоқ билан чегаралаб бўлмайди. Улкан адибимиз Шукур Холмирзаев айтганидек, романдан катта ҳикоялар ва новелладан кичик романлар бўлиши мумкин. Муаллифнинг нияти ва қаҳрамон шахсияти қирраларининг нечоғли тўла очилиши романнинг романлигини белгилайдиган омиллардир. Шу боис, бир кун келиб, ўн беш бетлик романлар босилиб чиқса, ҳайрон қолиш керак эмас...

Саволлар кўпайди. Муҳаммад Алининг "Улуғ салтанат" тарихий тетралогияси, "Боқий дунё", "Сарбадорлар" романларидан бошлаб, ҳатто узоқ йиллар бурун нашр этилган "Машраб", "Гумбаздаги нур" достонларигача қизиқдилар. Пирмат Шермуҳамедов ва Абдухолиқ Абдураззоқовнинг чоп этилганига ҳали кўп вақт бўлмаган "Амир Темурнинг келини", "Куздаги кўклам" каби китоблари ҳам бу ердагилар назарида экан.

"Одамлар китоб ўқимай қўйди" қабилидаги ташвишлар асоссиз эканига яна бир карра ишондим.

Саволларга гоҳ Муҳаммад Али, гоҳ Пирмат Шермуҳамедов, гоҳ Адҳамбек Алимбеков, гоҳ Жуманазар Бекназар жавоб берди.

Мактаб ўқувчилари анъанага биноан меҳмон-шоирларнинг шеърларидан айтишди. Кейин худди эллик-олтмиш йиллик юбилейларда бўлгани каби Қозоқбой акага сарпо кийдирдилар, гулдасталар тақдим этдилар.

V

Бу учрашув 2007 йилнинг кўклами — март ойининг аввалида бўлган эди. Кейин-кейин, Қозоқбой ака билан турли сабаблар билан тез-тез кўришдик. Сафарларда, гап-гурунгларда ҳамсуҳбат бўлдик.

Қадрдонлашиб қолдик.

Ҳозирча шулар.

У ёғига худо — пошшо...

ШЕЪРИЯТ

Осмонда ой оқади...



Муҳаммад ҒАФФОР

БАҲОР

Бу майсалар майсамас,
Қодирийнинг жонидир.
Қизғалдоқлар қип-қизил,
Чўлпонимнинг қонидир.

Мовий осмон, кўкда ой,
Усмон Носир хаёли.
Ним табассум ғунчалар,
Ўзбегимнинг аёли.

* * *

Тераклар ҳам куёвдай,
Қўлин чўзар ойларга.
Шаршаранинг қўшиғи,
Тўкилади сойларга.

Яна баҳор келди-ку,
Турфа гуллар очилди.
Тўйғуларим садафдай,
Дарахтларга сочилди.

Улкан-улкан бу тоғлар,
Савлат тўкар керилиб.
Ўлаётган одам ҳам,
Кетар ҳатто тирилиб!

* * *

Майин эсган шабада,
Осилади бўйнингга.
Гар ухласанг, бу кеча,
Юлдуз кирар қўйнингга.

* * *

Чумолилар ўрмалаб,
Уясини тузайди.
Момоларнинг чаккасин,
Бойчечаклар безайди.

Чучмомалар шивирлаб,
Ўзича шеър тўқийди.
Қалдирғочлар чуғурлаб,
Валфажрлар ўқийди.

Ечилади чигалинг,
Осмонда ой оқади.
Бир кечада дарахтлар,
Минглаб юлдуз тақади.

* * *

Наврўз келар ойдайин,
Сочин ёйган сойдайин.
Гижинглаган тойдайин,
Минг қўйи бор бойдайин.

Сепин ёзиб далалар,
Парилардай товланар.
Қизчаларнинг кўзида,
Йигитчалар овланар.

Қирда кураш бошланар,
Кўпкарилар, улоқлар.
Келинларни ўпади,
Тоғдан оққан булоқлар.

АКС САДО

Китоб йиртаётган талаба

«Hurriyat»нинг 2009 йил 21 январь сонида эълон қилинган журналист Ситора Тожиддинованинг "Ноёб хазиналар маскани" номли мақоласини ўқиб, унда кўтарилган баъзи муаммолар диққатимни тортди.



Ҳақиқатан ҳам кутубхонадаги китобларнинг йиртилаётгани, кўплаб саҳифаларининг юлиб олинаётгани нафақат Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, балки олий ўқув юртларидаги маънавият ўчоғларида ҳам содир этилаётир. Биз таҳсил олаётган университет кутубхонасига кириб бирор китобни қўлингизга олсангиз, сўзимизнинг нечоғли ростлигига ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Яқинда дарс пайти ўқитувчи берган саволларга ҳозиржавоблик билан жавоб бераётган бир курсдошимиз бирдан сукут сақлаб қолди. Устозимиз эса "Яхши, яхши. Қани, кейинчи?" деганида бояги дўстимиз: "Китобнинг қолган саҳифалари йўқ экан-да, домла", — деди. Бу гапдан бутун аудиторияда кулги кўтарилди. Кулаяпмиз-у, аммо ўша курсдошимизнинг айтгани рост эканини ич-ичимиздан ҳис қилиб турибмиз. Аслида, бунга шу олий даргоҳнинг қайсидир талабаси айбдор экани дилимизни хира қилади. Қолаверса, кутубхоналаримизда сақланаётган газета, журналларнинг ўқувчилари орасида ҳам «зараркунанда»лари борга ўхшайди. Уларнинг ҳам айрим бетлари юлиб олинганининг гувоҳи бўлганингизда сиз ҳам айнан шу фикрни айтган бўлардингиз.

Юксак маънавиятга эришишнинг биринчи шарти китоб ўқишдир, дейди файласуфлардан бири. Уларни йиртиш эса нафақат замондош китобхонлар, балки келажак авлод учун ҳам маънавий зарар етказмоқ дегани эмасми? Ахир, бугун биз ўқиётган бу китобларда эртага шу ерда ўқийдиган укаларимиз, сингилларимизнинг ҳам ҳақлари бор-ку!

Қолаверса, китоб ўзи нима учун мутолаа қилинади? Билим олиш учун, албатта. Аммо ўткинчи манфаатлар йўлида уларни яроқсиз қилиб қўяётганларни худбинлар десак асло муболаға бўлмайди. Зотан, бугун зарур китобнинг саҳифаларини юлиб олаётган талаба маънавиятини ошириш, билим олиш учун эмас, балки биринчи навбатда ўз муаммосини деб, маънавиятсизлик қилаётганини қалбан ҳис қилса эди.

Ҳа, агар буни ҳис қилишганда, китобларни, неча йиллик қўлёзмаларни йиртиб олишга виждони йўл қўярмиди?

Шаҳноза ОСТОНОВА,
ЎзМУ талабаси.

МАДАНИЯТ

ЁЗУВЧИ ИЖОДХОНАСИДА

Худойберди Тўхтабоев:

«Менинг энг яқин дўстларим – болалар»

Севимли болалар ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг саргузаштларга бой романлари, бир-биридан мазмунли ҳикоялари китобхонларнинг севимли асарларига айлангани шубҳасиз. Айниқса, унинг «Сариқ девни миниб», «Шошқалоқ», «Сири очилди» номли китоблари ўзбек болалар адабиётида алоҳида ўрин тутади.

Ўтган йиллар давомида адибнинг дунёга келган «Омонбой ва Давронбой», «Сариқ девнинг ўлими», «Беш болали йигитча», «Қасоскорнинг олтин боши», «Йиллар ва йўллар», «Жаннати одамлар» каби романлари болаликнинг беғубор оламига боғлиқлиги билан ўқувчиларда ёрқин таассурот қолдирди.

Худойберди Тўхтабоевнинг «Сехргарлар жанги ёки ширин қовунлар мамлакатида» номли асари асосида экранлаштирилган бадиий фильм ҳам ёш томошабинларнинг меҳрини қозонди.

Севимли адибимизнинг эллик йилдан бери чоп этилган қатор асарлари нафақат болажонлар, балки кўплаб катта ёшли китобхонларнинг ҳам кўнглига йўл топган. Ёзувчининг ижодхонасига ташриф буюрарканмиз, айни пайтда унинг «Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи» номли янги романи устида ишлаётганига гувоҳ бўлдик. Мақсадимизни англаган адиб дилдан суҳбатга чоғланди.



— Худойберди ака, деярли барча асарларингизда ёшликнинг бетакрор, сурурли лаҳзаларини, болаликнинг покиза оламидаги беғуборликни, соддаликни ва самимиятни ўқувчилар қалбига етиб борадиган тарзда маҳорат билан ифода этасизки, гўё қаҳрамонларингиз тақдирида худди ўз дунёингиз, ҳаётга бўлган муносабатингиз талқин этилгандек туюлади. Умуман, болалар дунёсига ошнолик сизга нима берди?

— Болалар ёзувчиси бора-бора боланинг ўзига ўхшаб қолади, дейишади. Сиз билан суҳбатлашаётган шу кезда ҳам ўзимни худди боладек ҳис қилаяпман. Шундай экан, болага ўхшаб бир мақтаниб олай-да.

Болалар дунёсида ҳар бир боланинг ўзи бир олам. Уларнинг дунёсидан ўзимни-ўзим топдим, десам ажабланманг. Ёш дўстларимга атаб қатор романлар ёздим. Китобларим лотин ёзувига ўгирилиб, китоб дўконларини тўлдириб турибди. Асарларимнинг айримлари дарсликларга ҳам киритилди. Яқинда «Сариқ девни миниб» романим Туркияда, Францияда чоп этилди. Айни пайтда Ҳошимжонга ўхшаш бир мақтанчоқ бола образини яратишга ҳаракат қилаяпман. Асарим тугай деб қолди. Унга шартли равишда «Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи» деб ном ҳам қўйдим. Унда қишлоқдаги фермерларнинг болалари ҳаётида нималарни кузатган бўлсам, ўшаларни ёзишга ҳаракат қилдим. Бу асар болалар учун қизиқарли бўлармикан ёки зерикарли, дея ўйлаганимўйлаган.

— Ахли донишлар бола дунёга беғубор бўлиб келади, дейишади. Унда атрофимиздаги айрим ҳасадгўй, ёвуз, худбин одамлар қандай пайдо бўлади? Болалар руҳиятига кирган ёзувчи сифатида айтинг-чи, бу ёмон хислатлар одамда ота-онанинг руҳий олами билан туғиладими ёки фарзанд тарбияси асосида шаклланадими?

— Олимларнинг илмий тадқиқотларига кўра, чақалоқда аввало мия, кейин қалб шаклланар экан. Қаранг, аввал онг, сўнг қалб, кейин бошқа аъзолар... Бола кўзини очгандаёқ табиат, ўсимликлар оламига дуч келади. Кейин бола айтилган эртаклар ёки ўзи ўқиган китоблар орқали ўзини англайди. Кейинчалик эса унда салбий хислатлар атроф-муҳит, яъни мактаб, жамоатчилик таъсири, энг асосийси, инсоннинг атрофдагилар олдидаги масъулиятсизлигидан пайдо бўлади. Масалан, ёмон оиладан ҳам етук фарзандлар етишиб чиқиши мумкин. Лекин инсонда ҳар томонлама комил, мукаммал тарбия бўлиши қийин. Шу ўринда Навоий ҳазратларининг «Эл нечун топгай мениким, мен ўзимни топмасам» деган мисралари ёдимга келди. Жуда буюк гап-а. Мен болага эртароқ ўзини англашга ёрдам бериш керак, деган фикрга қўшиламан. Инсондаги худбинлик, бадҳулқлик, ёвузлик, ҳасад каби ёмон иллатларга яхши китоблар билан қарши курашиш ҳам мумкин.

— Аммо... сиз таъкидлаган ўша яхши китоблар, яъни болалар бир-бирига мақтаб, мақтаниб ўқийдиган фантастик, тарихий айниқса, табиатга оид асарлар бугун нимагадир кам ёзиляпти. Ёки ҳали ўқувчилар қўлига етиб бормаган яхши асарлар ҳам борми?

— Мен салкам эллик йилдан бери болалар адабиёти деган сеҳрли дунёда озмиқўпми хизмат қилиб келаяпман. Шу дунёда яратилган, қўлма-қўл бўлиб ўқилган, лекин бозор иқтисодиёти боис ҳали нашр этилмаган яхши асарларни ҳам биламан. Энди рухсатингиз билан бафуржа фикрларимни айтсам.

Аввало шуни айтиш керакки, юртимизда бу соҳада қалам тебратиб келаётган шоир ва ёзувчилар — Носир Фозилов, Анвар Обиджон, Рауф Толипов, Турсунбой Адашбоев, Миразиз Аъзам сингари талайгина ижодкорлар болаларга атаб янги-янги асарлар эълон қилиб келмоқдалар. Масалан, Анвар Обиджоннинг «Алазамон ва унинг бошидан кечирганлари», Ҳожиакбар Шайхов-нинг фантастик асарлари қайта-қайта нашр этилаяпти. Шу билан бирга юртимизда мавжуд бўлган ўнлаб босмахоналар орасида «Шарқ», «Янги аср авлоди» нашриётлари болаларни унутиб қўйишаётгани йўқ. Айниқса, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида бугун ёзувчилар болалар талабига мос асарлар яратишга улгурмай қолаётганликларини ҳисобга олиб, жаҳон адабиётининг гўзал намуналаридан таржима қилиб, чиройли муқоваларда қатор китобларни нашр этиб келмоқда. Шу ўринда бошқа нашриётларнинг меҳнатини камситмаган ҳолда «Шарқ» компаниясида фидойилик билан меҳнат қилаётган, айниқса, болалар адабиёти учун астойдил жон куйдираётган, янги муаллифларни ахтариб топаётган Эркин Маликовга алоҳида раҳмат айтгим келади. Эркинжоннинг бошқалардан ажралиб турадиган хусусияти шундаки, у жойларга бориб болаларга кўпроқ қайси китоблар кераклигини, болалар қайси асарларни ўқишни хоҳлаётганини аниқлашга ҳаракат қилади.

— Болалар адабиётида жанр қашшоқлиги туфайли эртак китобларни қайта-қайта нашр қилиш айрим нашриётларнинг асосий даромад манбаига айланиб қолмаяптимикан? Сиз бу ҳақда нима дейсиз?

— Тўғри, шу кунларда болалар адабиёти, айниқса, наср жанрига жуда катта эҳтиёж сезаяпти. Наср жанрида болалар севиб ўқийдиган асарлар яратилмаяпти. Китоб дўконларида гоҳо такрор босиладиган эртаклар, «Ўзинг бўя» сериясидаги юпқа китобчалар пайдо бўлаяпти.

Мен республикамизнинг турли вилоятларида ижодий учрашувларда бўлганимда «Қани, болалар ким қандай китоб ўқиди?», — дея савол бераман. Гоҳо бирор ўқувчидан садо чиқмай, зал сукунатга чўмади. Шунда бирор ўқитувчи ўқувчисига танбеҳ берган, ўқувчи эса зўрға битта бадиий асар номини айтган бўлади. Қолганлари эса «Тоҳир ва Зуҳра», «Зумрад ва Қиммат», «Уч оғайни ботирлар»ни тилга олишади. Эртакларга ортиқча ружу қўйиб, бугунги кун болалари ҳаётига бағишлаб китоб олиб келган ёзувчини камситган ноширларга аламли сўз айтгим келади. Афсуски, айтолмайман. Айтсам ўзимнинг китобимни ҳам чиқармай қўйишади, деб истиҳола қиламан.

Яқинда Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли китобини, айниқса, ундаги миллатнинг маънавияти хусусан, болалар маънавияти тўғрисида билдирилган фикрларни мароқ билан қайта-қайта ўқидим. Бугунги яратилган яхши имкониятлар, шароитлардан фойдаланиб, болалар адабиёти деган ўзига хос дунёни бойитишимиз керак.

— Келинг, энди болалар ёзувчисининг масъулияти ҳақида гаплашсак...

— Бугун замон тараққий этиб, болалар боғчаси, болалар дўкони, болалар шифокори деган иборалар кўп қўлланиладиган бўлди. Демакки, болага эътибор кучайди. Энди болалар дўкони болаларга мослашган, кийим-кечаклар билан савдо қилишга ихтисослаштирилган ёки болалар шифокорида болаларнинг сиҳат-саломатлигига оид илмларни мукаммалроқ ўрганишга зарурат туғилган бўлса, болалар ёзувчиси олдида ҳам унинг маънавий дунёсини шакллантиришда яхши асарлар ёзиш учун залворли масъулият турибди.

Яна бир бор таъкидлайман: болалар адабиёти ўзига хос олам. Бу оламда қалам тебратиш учун болалар ёзувчиси бўлиб туғилиш керак. Ёзувчи болага ўхшаб қулса, йиғласа, хато қилса, ана шундай ҳолатда уларнинг дунёсига яқин бўлади. Болалар дунёсига яқин бўлмай туриб, қўпгина асар ёзган ёзувчиларни ҳам кўрганман. Тўғри, бу асарлар ўз вақтида ўқилди, лекин узоқ яшамади. Нима учун «Том Сойернинг бошидан кечирганлари» асари узоқ яшаяпти. Сабаби, асар боланинг қувончи, ташвишлари, ютуқ ва камчиликлари, хатолари ҳаммаси бола кўзи билан, тили ва руҳий кечинмалари билан ёзилган. Ёзувчи шу асарни туғатгунга қадар бола бўлиб қолган эса ажаб эмас.

Масалан, итальян ёзувчиси Жанни Родаренинг асарлари ҳам фақат итальян болаларининг эмас, балки бутун дунё болаларининг асарларига айланиб қолаяпти. Бундай сара асарлар китоб дўконларида тиқилиб ётибди. Лекин негадир сустроқ сотилаяпти.

— Болалигимиз сизнинг "Сехрли қалпоқча" китобингиз таассуротлари билан ўтган. Бу асар бугунги авлод вакилларини ҳайратга солмаслиги мумкин. Менимча, ҳозир фантастикадан кўра, болаларга илмий асарлар керак...

— Дарҳақиқат, биз техника ривожланган даврда яшаяпмиз. Бугун компьютерсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Болаларга техникага оид асарлар яратилса фойдадан холи бўлмасди, кейин ўсимликлар, ҳайвонлар дунёсига боғлиқ асарлар ҳам яратилиши керак. 1-4 синф дарсликларида булар ҳақида расмлар ва оз-оз сабоқлар берилган. Бошланғич таълим мутахассислари бунга эътибор берганлар-у, нега ёзувчиларимиз бефарқлигига ҳайронман. Айтайлик, болаларга техниканинг кўринишига оид мисоллар билан масалан, «Менинг акам учувчи»га самолётни, «Менинг опам тўқувчи»га дастгоҳнинг расми берилса, яхши бўларди. Техника адабиёти ҳам болаларнинг онги ва шуурини шакллантиришда катта ўрин тутади.

Лекин хориждан кириб келаётган ҳар хил ахборотлардан болаларни эҳтиёт қилишимиз, улар қалбида аждодларимиздан етиб келган қадриятларни асраб қолишимиз керак. Чунки миллатни — миллат қиладиган миллий қадриятлар. Болаларимиз қандай кино кўраётганини, қандай китоб ўқиётганини назорат қилиб боришимиз лозим.

— Умуман, болалар адабиётининг ривожланиши борасида нима дейсиз?

— Менимча, болалар адабиёти учун алоҳида давлат нашриёти бўлиши зарур. Бошланғич дарсликларга қандай эътибор берилса, болалар китобларига ҳам шундай талаб қўйиш керак.

— Юқорида суҳбатимиз асносида «Ёзувчи бўлиш қисматимга ёзилган. Отам 21 ёшида, онам 20 ёшида қулоқ бўлиб, Украинага сургун қилинган. Кечагидек ёдимда... улар сургундан қочиб келишганда биз Жўра тоғамнинг уйларида кўним топгандик. Лекин чақув бўлди шекилли ўн отлиғ одам уйимизга кириб келиб, отамни судраб олиб чиқишгани, унинг йиқилиб тушгани, тепкиланганги, бирдан оғзидан ғарқ этиб қон келгани кўз ўнгимдан кетмайди. Отамни қабрга қўйишга улгурмай туриб, онамни Украинга ҳайдаб кетмасликлари учун ўзидан 40 ёш катта, беш боласи бор устага беришган. Бу қулфат мени ёзувчи, зулм-зўравонликка қарши фельетончи қилди...», дегандингиз.

— Отадан айрилгач, бобом ва бувимнинг қўлида катта бўлдим. Қўқон педагогика билим юртида ўқиб юрганимда шеъриятга ҳавас қўйдим. Кейин шеъриятдан кўра, насрда катта гап айтиш имкони бўлгани боис насрга меҳр пайдо бўлди. Ўша пайтлари романтик хаёлларга бериладиган ёшда эдим. Ёзувчи бўлиш қийин эканини, кун-у тун меҳнат қилиш кераклигини, ёзган нарсанг лоп этиб чиқиб кетавермаслигини билмас эдим. Тошкентга келиб «Тошкент ҳақиқати», «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газеталарида 14 йил фельетончи бўлиб ишладим. 300 дан ортиқ фельетонларим Т. Худойбердиев, Н. Каримов, Н. Баранова, И. Тўхтаев деган номлар остида босилди. Мен адолатсизликка қарши фельетонларим билан курашаяпман, деб ўйлардим. Устозлардан бири «Фельетонларинг бир кун бошингга бало бўлади. Сен роман ёз! Романларнинг таъсири кучли бўлади», деганди. Шу гапи менга таъсир қилиб, болалар адабиёти дунёсига ўтиб кетдим. Фельетонларим орқали ҳазрат Навоий сўзи билан айтганда «Илгимдин келгунча, золим тиғин ушатиб, мазлум жароҳатиға имтиҳон малҳамини қўйдим».

Суҳбатимиздан сўнг адиб бизни «Ёш куч» деб аталган боғига таклиф этди. Боғни ташкил қилганига йигирма йил тўлибди. "Кучқувватим борида дарахтлар, гул кўчатларини ўз қўлим билан экканман. Ҳар йили бу боғда республикамизнинг турли вилоятларидан келган ёш дўстларим билан китобхонлик байрамини ўтказамиз. Турмушнинг майда ғам-ташвишларидан толиққанимда, мана шу боғда болалар билан шахмат-шашка ўйнайман. Менинг энг яқин дўстларим – болалар», — дейди Худойберди Тўхтабоев. Биз соддадил, самимий ёзувчимизга чин дилдан соғ- лик, ижодий парвозлар тилаб, хайрлашдик.

Адиба БОЙИТ қизи суҳбатлашди.

Фариштанинг омади нимада?

ТАФАККУР

Рақобат — биров қилмаган ишни эмас, балки қила олмаган ишни ундан яхшироқ уддалаш демак.

***

Ёқимли оҳангга гунг ҳам жўровоз бўлиши мумкин.

***

Эсимда, бола чоғларим "Оқ теракми, кўк терак?" ўйнаётган эдик.

Навбат бизнинг жамоага келди:

— Оқ теракми, кўк терак,

Биздан сизга ким керак?

Рақиб гуруҳ тўсатдан жимиб қолди. Ориф деган довдирроқ бола бор эди. У бир пайт ўртага чиқиб олиб бор овози билан бақирди:

— Бизга сизлардан ҳеч ким керак эмас. Ўз ҳолимизга қўйинглар!

Ўйинларимизни бузгани учун Орифни ёмон кўриб юрардим. Аммо ҳаётнинг тасодифий, пинҳона "ўйинлари"га дуч келгач, уни дангал, тўғрисўз сифатида қадрлайдиган бўлдим.

***

Раҳбар очиқ, самимий, камтар бўлиши лозим. Аммо бировга ортиқча меҳр қўйиши, қайси либос ёки овқатни яхши кўришини билдириши унга обрў келтирмайди. Чунки ўз раҳбарининг "нозик" томонларини билиб олганлар шу орқали сўзини ўтказишга интиладилар.

***

Кўл телефони техника соҳасида инқилоб бўлди. Аммо у худбинлик ва ёлғончиликнинг замонавий усулига ҳам асос солди.

***

— Мабодо олдингиздан бир ҳовуч олтин ва бир ҳовуч ақл чиқиб қолса, қайси бирини олар эдингиз?

— Ҳеч қайсисини.

— Наҳотки?!

— Чунки мен бундай синовлардан ўтганман. Ҳеч ким бировга бекордан бекорга бундай "ҳиммат" кўрсатмайди.

***

Уни дард шоир қилди. Шоирлиги эса дард бўлди.

***

— Инсонга қайси вазиятда ақл керак бўлади?

— Ақллилигини англаганида!

***

Дид билан талабчанлик бир-бирига яқин тушунчалар. Агар фаросат ўртага тушмаса бири манманликка, иккинчиси жаҳлга айланади.

***

Сизни ҳамма яхши кўриши мумкин эмасдир, аммо Сиз ҳаммани яхши кўришингиз шарт.

***

У давраларда жим туриш, жиддий ўтиришни салоҳият деб билади. Аслида эса муносабат билдиришга қурби етмайди.

***

Фариштанинг омади шундаки, у бизга кўринмайди. Акс ҳолда ундан ҳам аллақачон қусур топардик.

Фармон ТОШЕВ

СПОРТ

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Жорий йилнинг 24 сентябридан 16 октябригача Миср Араб Республикасида футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтказиладиган Жаҳон чемпионатига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Эътиборли томони шундаки, мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси ҳам иштирок этади. Қуръа натижаларига кўра, юртдошларимиз Гана, Уругвай ва Англия терма жамоалари билан D гуруҳидан жой олишди.

"БУНЁДКОР" ОСИЁДА ИККИНЧИ

Халқаро футбол тарихи ва статистика федерацияси (IFFHS) дунё клубларининг янги рейтингини эълон қилди. Унга кўра Тошкентнинг "Бунёдкор" футбол жамоаси 65-поғонанини эгаллаб турибди. Бу олдинги ойдагига нисбатан икки поғона юқоридир. Ушбу натижа билан «қалдирғочлар» Осиё клублари орасида 2-рақамли жамоа бўлиб турибди. Ўтган ойда 155-ўринни банд этган яна бир жамоамиз «Пахтакор» янги рейтинг жадвалида 124-ўриндан жой олган.

Дунё клубларига Англиянинг "Манчестер Юнайтед" жамоаси сарбонлик қилаётган бўлса, Испаниянинг "Барселона" ва Англиянинг "Ливерпуль" футбол клублари иккинчи ва учинчи ўринлардан жой олишган.

ТЕРМИЗ — ЖАҲОН ПОЛВОНЛАРИНИ ЧОРЛАМОҚДА

Шу йилнинг 11-12 апрел кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Термиз шаҳрида Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича IX халқаро турнир бўлиб ўтади. Термиздаги "Алпомиш" кураш мажмуасида ўтказиладиган мазкур беллашувда Россия, Буюк Британия, Голландия, Эрон, Япония, Жанубий Корея, Ироқ, АҚШ, Ливан, Гонгконг, Нигерия ва бошқа бир қатор давлатлардан ташриф буюрган полвонлар ўз маҳоратини намойиш этиши кутилмоқда.

ДАЪВОГАРЛИК ЖАНГИ ЎТКАЗИЛДИ

IBF чемпионлик камарига даъвогар Александр Поветкин америкалик Жейсон Эстрадига қарши рингга чиқиб ғалаба қозонди.

Жейсон Эстради учрашувни яхши бошлади. Лекин жанг ўрталарига келиб россиялик чарм қўлқоп устаси ташаббусни ўз қўлига олди. Охирги раундларга келиб эса у бутунлай устунликка эришди. Учрашув ниҳоясига етганидан кейин ҳакамлар 99-94, 98-92 ва 97-93 ҳисобида Александр Поветкин муваффақият қозонганини эълон қилди.

ГУРУҲ УЧРАШУВЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

Кеча қитъамизнинг бир қатор шаҳарларида футбол бўйича Осиё чемпионлари лигасининг гуруҳ баҳслари доирасида учинчи тур учрашувлари ўтказилди. Айни пайтда "А" гуруҳида пешқадамлик қилаётган Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси бу турда сафарда Эроннинг "Саба Баттери" клубига қарши майдонга тушиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Учрашувдаги голларни рақиб дарвозасига ака-ука Зайниддин ва Фарҳод Тожиевлар киритишди. Бугун эса пойтахтимизнинг яна бир жамоаси "Бунёдкор" "Жар" стадионида Эроннинг бошқа бир клуби "Сепаҳон"ни қабул қилади.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

АЙТГАНЧА

"Беш тош" ўйнаганмисиз?

Байрам баҳонасида бувижонимни кўргани бордим. Бу йил умрининг саксон олтинчи баҳорини қарши олган бувижоним билан суҳбатимиз жуда қизиди. У кишининг айтишларича, ёшлигида Наврўз байрамида ҳамма янги кийим кийган. Айниқса, қизларнинг либоси қип-қизил рангда бўлиши урф бўлган. Сочлари қирқта ўрилган, кўйлаклари яноғидек ол гулгун қизлар кимнинг ҳам ҳавасини келтирмаган, дейсиз?! Байрамни болалар ҳам ўзгача руҳда кутиб олишган экан. Улар "чиллак", "беш тош", "варрак учди" каби ўнлаб миллий ўйинларни завқ билан ўйнашган. Ҳар бир ўйиннинг ўзига хос қонун-қоидаси бўлган. Мисол учун, "беш тош"ни асосан қизлар ўйнашган. Аввало, бешта силлиқ ва чиройли тошлар танланган. Ўйин давомида "бирлик", "иккилик", "учлик", "тўртлик", "бешлик", "тандир", "девор", "қайчи" каби шартлар бўлган. Барча шартлар бешта тош иштирокида бажарилган.

Бувимнинг гапларини тинглар эканман, "Ҳозир нега шундай ўйинларни ўйнамаймиз?" деган табиий савол туғилди, менда. Бугунги техника тараққиёти даврида болалар ҳам миллий ўйинлар ўрнига компьютер ўйинларига шўнғиб кетишган. Балки бу давр талабидир, аммо миллий ўйинларимиз унутилиб кетишининг олдини олишимиз керак, деб ўйлайман. Бунинг учун эса катталар ёш болалар учун миллий байрамларимизда, хусусан, Наврўз айёми кунларида шундай ўйинларни ташкиллаштиришса, фойдадан холи бўлмас эди.

Балки бу ўйинни компьютер ўйинларига киритиш лозимдир. Ахир, чет эл-

ликларнинг кўплаб ўйинлари компьютерлардан жой олган-ку!

Дилрабо ХОЛМАТОВА

РАССОМ ХАНДАСИ

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган сурат.

HURRIYAT
Фикрлар эркинлиги
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.20

® — тижорат белгиси.

Адади: 14050 Буюртма — Г-354 1 345678